5. Тўғри чизик билан текислик фазода неча хил вазиятда бўлади?
6. Кўпёк нима?
7. Мунтазам кўпёкларга мисоллар келтиринг.
8. Призма.
9. Пирамида.
10. Кесик пирамида.
11. Параллелопипед.
12. Призма ён сирти нимага тенг.
13. Призма тўла сирти-чи?
14. Пирамида ён сирти нимага тенг?
15. Пирамида тўла сирти-чи?

## Визуал материаллар

*To‘g‘ri doiraviy silindr*


*Parallel ko‘chirish bilan ustma-ust joylashadigan va bitta tekislikda yotmaydigan ikki doiradan va bu doiralarning mos nuqtalarini tutashtiruvchi hamma parallel to‘g‘ri chiziq kesmlaridan tashkil topgan jism doiraviy silindr deyiladi.*




*r - silindrning radiusi;  
AA<sub>1</sub> - silindrning balandligi.*

*Silindr yon sirtining yuzi asos aylanasi uzunligi bilan balandligi ko‘paytmasiga teng:*


$$S_{yon} = 2\pi r \cdot AA_1$$



*Silindrni uning o‘qiga perpendikular tekislik bilan kesimi*



*Silindr - aylanish jismi*



*Silindrning o‘q kesimi*

## Фаоллаштирувчи саволлар

4-илова

1. Айланиш жисмларига мисоллар келтириңг.
2. Цилиндрга таъриф беринг.
3. Цилиндрнинг ўқ кесими деб нимага айтлади?
4. Цилиндрнинг ён сирти юзи нимага teng?
5. Цилиндр тұла сирти юзи нимага teng?

Масалалар ечиш


5-илова

1. Ертүладаги ярим цилиндрик гумбазнинг узунлиги 6 м, диаметри 5,8 м.  
Ертүланинг тұла сиртини топинг?  
(Жавоб:  $116 \text{ m}^2$ ).
2. Цилиндр асосининг юзи Q, ўқ кесимининг юзи M. Цилиндрнинг тұла сирти нимага teng?  
(Жавоб:  $\pi M + 2 Q$ . Күрсатма: асосининг юзига күра унинг радиусини топинг).

3. Конус асосининг юзи S, ясовчи асосга а бурчак остида оғма. Конус ён сиртининг юзини топинг.  
(Жавоб: . Күрсатма: Асосининг юзига күра унинг радиусини топинг).

6 – илова

Кластер топширигини бажаринг



## Бинго усули (Ким кўп формула билади?)

$S=ab$	$C=2\pi R$	3	4
5 $C^2=a^2+b^2$	6	7	8
9 $S=\frac{P_1+P_2}{2}$	10	11	12
13	14	15	16

7-илова

Bingo usuli (Kim ko'p formula biladi?)

1. $S=ab$	2. $C=2\pi R$	3. $S = \frac{ab}{2}$	4. $\alpha + \beta + \gamma = 180^\circ$
5. $c^2=a^2+b^2$	6. $a \neq b$	7. $S=\pi R^2$	8. $A_2A_1=\sqrt{(x_2-x_1)^2+(y_2-y_1)^2+(z_2-z_1)^2}$
9. $S = \frac{P_1+P_2}{2} \cdot l$	10. $tg\varphi = \frac{b}{a}$	11. $\pi \approx$	12. $S_{\text{шах}} = S_{\text{шах}} + 2S_{\text{зах}}$
13. $A \Leftrightarrow B$	14. $S_{\text{кон}} = pl$	15. $AB \perp DE$	16. $S = \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)}$

## БББ технологияси

№	Мавзу саволи	Биламан	Билдим	Билмоқчиман
1	Айланиш жисмлари			
2	Цилиндр			
3	Цилиндр ўқи			
4	Цилиндр ўқ кесими			
5	Цилиндрик ясовчиши			
6	Цилиндрик сирт			
7	Цилиндр ён сирти юзи			
8	Цилиндр тўла сирти юзи			

Дикқат қилинса, бир мавзуни турли методик ёндашувлар асосида ўқитиш дарснинг мазмунли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Эътибор берилса, умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан дикқатни тортади. Аввало бу факторлар асосида фанни ўқитиш мувваффакиятли амалга оширилмоқда, қолаверса, бу факторларнинг таҳлили фанни ўқитиш методикасини янгилаш ва ривожлантириш зарурятини кўрсатади. Шу сабабли бизнинг ёндашувимизга кўра, бу борада маҳсус тадқиқот ишлари амалга оширилиши ҳамда фанни ўқитиш методикасини ривожлантиришнинг янгича методларини ишлаб чиқилиши тақозо этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторларида ўқувчи ёшларнинг илмий ва креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларни ижодий илмий иш билан шуғулланиш учун танлаш ва тарбиялаш, ҳар доим илмни мувваффакиятли ривожлантириш асоси бўлиб келган. Бундай вазифалар бизнинг давлатимизда, асосан, олий ўкув юртларида олиб борилади. Талабаларда ижодий фаолият-кобилиятни ривожлантириш, унга алоҳида эътиборни талаб қиласди. Бу, бундай талабалар

билиш ишиш жараёни мураккаб кечади. Сабаби, улар билан ишиш учун (айниңса бошлангыч пайтларда) жуда күп вакт сарфлаш, улар ўз натижаларини бир-бирларига айтиб бера олиш учун шароит яратиш (масалан кичик семинарлар ташкил этиш) зарур бўлади.

Инсондаги креатив компетентликни тарбиялаш мустақил фикрлашни ривожлантиришга асосланади. Бу қўйидаги йўналишларда амалга оширилиш мумкин: илмий умумлаштира олиш-индукция; илмий натижаларни хусусий масалаларга қўллай билиш-дедукция; ва ниҳоят илмий умумлаштиришлар билан табиатда бўлаётган жараёнлар орасидаги қарама-қаршиликларни хис кила билиш.

Бизнинг назаримизда, одатдаги дарслер, масалалар тўпламларида берилган масалалар хар доим ҳам мустақил фикрлашни ривожлантиришга қаратилган бўлмайди. Улар асосан ўтилган мавзудаги асосий элементларни мустахкамлаш ва уни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади. Бу табиий ҳол. Шунинг учун ҳам бу масалаларни ечиш кўпинча берилганларни йигиб зарур формулага қўйиш билан якунланади. Мисол учун, эътибор беринг: ўқувчиларга ноаниқ, бир ёки бир нечта нозик жойлари бўлган масалаларни бериш керак. Масалан қўйидагича: Полоса (текисликни икки параллел тўғри чизик билан чегараланган бўлғи) шаклидаги ўрмондан сайёҳ адашиб қолди. У ўрмондан чиқиб кетиш учун қандай ҳаракат қилиши керак? Ўқувчи, сайёҳ ўрмондан албатта чиқиб кетиши мумкин бўлган траекторияни топиши керак. Яна бир мисол: вертикал текисликда бир вертикал тўғри чизикда ётмаган иккита А ва В нукталар берилган. А ва В ни туташтирувчи шундай чизикни топингки, бу чизик бўйлаб А нуктадан юмалатилган материал шар энг киска вактда В нуктага етиб келсин. Бу машхур “Брахистахрон масаласи”дир, уни вариациоң ҳисоб билан таниш бўлган ўқувчи қийинчиликсиз еча олади. Бундай масалалар одатда талабаларга олимпиадаларда таклиф этилади.


Биз ўшбу ўринда бир масалани илмий-услубий ривожлантириб бориш билан, ўқувчиларда илмий умумлаштира олишни қандай шакллантириш мумкинлигига тўхталамиз.

**Умумий масаланинг қўйиллиси.** Текисликда Е “қочувчи” ва Р “қувловчи” инерт бўлмаган нукталар ҳаракатини қарайлик. Нукталар ҳаракати йўналиши ихтиёрий ўзгириши мумкин бўлиб, катталиги ўзгармас сонлар билан чегараланган. Е нукта тезлиги  $v$ ,  $k$ -сони билан, Р нукта тезлиги  $u$  эса  $l$  билан чегараланган.

Шундай қилиб нукталар ҳаракат тенгламасини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\dot{r}_E = v, |v| \leq k, \dot{r}_P = u, |u| \leq l$$


Бу ерда  $r_E$  – Е нуктанинг радуси-вектори;  $r_P$  – эса Р нуктанинг радуси-вектори;  $v$  – Е нукта вектор тезлиги;  $u$  – Р нукта вектор тезлиги. Ох нур бўйлаб ҳаракатланаётган Е нукта бошлангич  $t=t_0$  вактда  $E_0$  холатда (1-чизмага қаранг)



бўлсин ва Р нукта  $t=t_0$  вактда  $P_0 \neq E_0$  холатда бўлиб  $P_0 E_0 = L > 0$  бўлсин. Ундан ташқари ихтиёрий  $\varepsilon > 0$  берилган. Е нуктанинг Ох нур бўйлаб  $k$  тезлик билан ҳаракатини номинал деб атайлик. Е нуктани шундай бошқариш талаб қилинмоқдаки, натижада барча  $t \geq t_0$  ларда номинал ҳаракатнинг  $\varepsilon$  атрофида ҳаракатланиб, Р қувловчидан О бўлмаган масофада қолсин, яъни қувловчига тутилмасин.

**I-масала.** Агар  $k > 4$  бўлса, қўйилган масала ижобий ечимга эга.

**Ечилиши.** Е нуктага  $k$  тезлик билан, аввал  $E_0 E_1 E_2 E_3$  (2-чизмага қаранг) синик чизик бўйлаб, кейин яна Ох нур бўйлаб ҳаракат қилишни таклиф этамиз.




Е қочувчи нүкта бундай ҳаракат қилса, барча  $t \geq t_0$  ларда  $P$  қувувчи нүктага тутилмайды. Ҳакиқатдан ҳам  $t = t_0$  да  $P_0 \neq E_0$ , энди  $E_0, E_1, E_2, E_3$  синик чизикдаги ҳаракатида  $P \neq E$  бўлмаслигини кўрсатамиз.  $t = t_0$  вактда  $P$  нүкта  $P_0$  ҳолатда бўлиб, унинг максимал тезлиги 1 га тенг у  $L$  масофани  $t$  вактда босиб ўтади. Чизмадан кўриниб турибдики,  $E_0E_1E_2E_3$  синик чизикнинг барча нүктаси  $P_0$  нүктадан  $L$  дан кичик бўлмаган масофада. Е нүкта  $t = t_0$  вактда  $E_0$  ҳолатда бўлиб тезлик  $k > 4$  га тенг, у  $E_0E_1E_2E_3$  синик чизик узунлиги  $4L$  масофани  $T = \frac{4L}{k} < L$  вактда босиб ўтади. Демак,  $P$  қувловчи  $P_0$  ҳолатдан Ох нур бўйлаб тўғри  $E_3$  нүктага қараб максимал 1 тезлик билан ҳаракат қилса ҳам Е қочувчи нүктага етиб кела олмайди. Е қочувчига  $E_3$  кейинги Ох нур бўйлаб ҳаракатида,  $P$  қувувчи ета олмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масаланинг 1-қисми ҳал этилди.

Масаланинг 2-қисмидаги номинал ҳаракатнинг  $\varepsilon > 0$  атрофида қолиши керак. Бу шартни  $L$  ни кичиклаштириш хисобига амалга ошириш мумкин. Масалан  $L < \varepsilon$  олинади. Бунинг учун қочувчи нүкта ушбу тенгсизлик бажарилишини кутиб туриши етарли.

**2-масала.** Агар  $4 \geq k > \pi$  бўлса, кўйилган масала ижобий ечимга эга.


Ечилиши. Е нүктага  $k$  тезлик билан аввал  $E_0, E_1, E_2$  (3-чизмага қаранг) маркази  $P_0$  нүктада, радиуси  $L$  бўлган айланга бўллаги бўйлаб, кейин яна Ох нур бўйлаб ҳаракат қилишни тавсия этамиз.



Е қочувчи нүкта бундай ҳаракат қилса, барча  $t \geq t_0$  ларда,  $P$  қувловчи нүктага тутилмайды. Ҳакиқатдан ҳам  $t = t_0$  да  $P_0 \neq E_0$ , энди  $E_0, E_1, E_2$  айланга бўлгадаги ҳаракатида  $P \neq E$  бўлмаслигини кўрсатамиз.  $t = t_0$  вактда  $P$  нүкта  $P_0$  ҳолатда бўлиб, унинг максимал тезлиги 1 га тенг, у  $L$  масофани  $L$  вактда босиб ўтади.  $E_0, E_1, E_2$  айланга бўллагининг ихтиёрий нүктаси, курилишига кўра  $P_0$  нүктадан  $L$  масофада жойлашган. Е нүкта  $E_0, E_1, E_2$  айланга бўллаги узунлиги  $\pi L$  масофани  $T = \frac{\pi L}{k} < L$  вактда босиб ўтади. Ўтган мисолдагидай  $P$  қувловчи Е қочувчи нүктанинг айланга бўлгадаги ҳаракатида тута олмайди. Е нүктани  $E_3$  ҳолатдан кейинги Ох нурдаги ҳаракатида  $P$  нүкта ета олмаслиги аниқ. Масала биринчи қисми ечилди, иккинчи қисми 1-масалага ўхшаш ҳал этилади.

**3-масала.** Агар  $\pi \geq k > 1$  бўлса, кўйилган масала ижобий ечимга эга бўлади ва  $P$  қувувчи нүктадан Е қочувчи нүктагача бўлган масофа доим  $L$  дан кичик бўлмайди.

Ечилиши. Энди биз Е қочувчи учун, ушбу шартларни қаноатлантируви чизикни куриш билан шуғулланамиз. Е нүктага  $k$  тезлик билан, аввал  $E_0, E_1, E_2$  (4-чизмага қаранг) кейинчалик қуриладиган чизик бўйлаб,



кейин яна  $Ox$  нур бўйлаб ҳаракат қилишни таклиф киламиз.

$E_0, E_1, E_2$  чизикни  $EP \geq L$  шартдан келтириб чиқарамиз. Бунинг учун  $r = r(\varphi)$  орқали  $P_0$  ( $P$  нинг  $t = t_0$  даги ҳолати) фиксиранган нуқтадан, ҳаракатланаётган  $E$  нуқтагача масофани;  $\varphi$ -орқали  $E_0P_0$  кесма билан  $EP_0$  кесма орасидаги бурчакни;  $s$ -орқали  $E_0E$  эгри чизик бўлаги узунлигини белгилаймиз.

Учбуручак тенгсизлигига кўра  $EP \geq EP_0 - P_0P = r(\varphi) - P_0P$ .  $P$  нуқтанинг тезлиги 1 дан катта бўлмаганлиги учун,  $P_0P \leq u \cdot (t - t_0) \leq \frac{s}{k}$ . Бундан эса кўйидагини оламиз:

$$EP \geq EP_0 - \frac{s}{k} = r(\varphi) - \frac{s}{k}.$$

Бу ерда  $E$  нуқта босиб ўтган йўл  $s$  учун  $s = k(t - t_0)$  ифодадан фойдаланилди.  $E_0, E_1, E_2$  чизикда  $EP \geq L$  шарт бажарилиш учун

$$r(\varphi) - \frac{s}{k} = L, \quad r(\varphi) = \frac{s}{k} + L$$

бўлиши етарли. Энди бу ифодани ҳар иккала қисмини дифференциаллаб поляр координаталар системасида кўйидаги тенгламани оламиз.

$$dr = \frac{1}{k} ds = \frac{(dr^2 + r^2 d\varphi^2)^{\frac{1}{2}}}{k}$$

Бу дифференциал тенгламани  $r(0) = L$  бошланғич шартда интеграллаймиз. Тенглама иккала қисмини квадратга оширамиз, ўзгарувчиларни ажратиб сўнгра интеграллаб кўйидагиларга эга бўламиз:

$$dr^2 = \frac{dr^2 + r^2 d\varphi^2}{k^2}; \quad (1 - \frac{1}{k^2}) \frac{dr^2}{r^2} = d\varphi^2;$$

$$\frac{k}{\sqrt{k^2 - 1}} \cdot \frac{dr}{r} = d\varphi; \quad \int_{\sqrt{k^2 - 1}}^{\varphi} \frac{dr}{r} = \int_0^{\varphi} d\varphi; \quad \frac{k}{\sqrt{k^2 - 1}} (\ln r(\varphi) - \ln r(0)) = \varphi; \quad \ln \frac{r(\varphi)}{L} = \frac{\sqrt{k^2 - 1}}{k} \varphi;$$

$$r(\varphi) = L e^{\frac{\sqrt{k^2 - 1}}{k} \varphi}.$$

Сизга маълумки,  $r(\varphi) = L e^{\frac{\sqrt{k^2 - 1}}{k} \varphi}$  поляр координаталар системасида логарифмик спирални беради, демак, масала шартини қоноатлантирувчи  $E_0, E_1, E_2$  чизик, топилган логарифмик спиралнинг  $0 \leq \varphi \leq 180^\circ$  бўлгандаги бўллаги экан.

Тушунарлики,  $E$  кочувчи нуқта ушбу спирал бўйлаб юрса, унинг қурилишига кўра  $EP \geq L$  лигича қолади, демак,  $E$  нуқта  $P$  га нафакат ушланмайди, балки  $L$  масофа узоқликда юриб, яна  $Ox$  нурга тушиб олар экан.  $E$  нуқта нурда ҳаракатланаётганда  $EP \geq L$  эканлиги кийинчиликсиз юкоридаги мулоҳазалардан келиб чиқади. Масалани иккинчи қисми 1-масаладагидай ҳал этилади.

Энди ўқувчиларга кўйидаги масалаларни мустақил ечишни таклиф этамиш:

**4-масала.** Умумий масалада кувловчилар 2 та, 3 та бўлса масала қандай ҳал этилади? Агар улар  $n$  та бўлсанчи?

**5-масала.** Агар умумий масалада  $E$  нуқта номинал траектория  $\varepsilon$  атрофида қолсин деган шарт олиб ташланса 1,2,3-масалалар қандай ечилади?

**6-масала.** Текисликда  $Oxy$  координаталар ўки киритилган бўлиб,  $x = \pm kh$ ,  $k = 1, 2, \dots$ ,  $h = L$ ;  $y = \pm nh$ ,  $n = 1, 2, \dots$ , тўғри чизиклар ёрдамида тўр билан қопланган бўлсин.  $E$  ва  $P$  нуқталар тўр устида ҳаракат килаётган бўлса, умумий масала қандай кўринишни олади? У қандай ечилади?

**7-масала.** Текисликда  $Oxy$  координаталар ўки киритилган бўлиб 6-масаладагидек тўр билан қопланган. Қочувчи  $E$  нуқта  $\dot{z} = v$ ,  $|v| \leq 1$ ;  $P_1$  ва  $P_2$  кувловчи нуқталар  $\dot{z}_1 = u_1$ ,  $|u_1| \leq 1$ ,  $\dot{z}_2 = u_2$ ,  $|u_2| \leq 1$  қонуният билан томонлари

$10L \times 10L$  бўлган квадрат ичидаги тўр устида харакат килмоқда. Кувловчи нуқталар кочувчи нуқтани ушлай оладиларми?

8-масала. Текисликда Е қочувчи нуқта тенг томонли учбурчак марказида, 3 та кувловчи  $P_1, P_2, P_3$  нуқталар эса шу учбурчак учларида турибди.

Уларнинг харакат тенгламаси мос равища

$$\dot{y} = v, |v| \leq k, \dot{x}_i = u_i, |u_i| \leq 1, i = 1, 2, 3.$$

Қочувчи Е бошишу нуқтагда бўлган нур бўйлаб максимал тезлиқда харакат килиб,  $P_i$  кувловчиларга тутилмасдан чиқиб кета олиши учун  $k$  қандай шартни қаноатлантириши керак?

Шундай килиб, умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг методологик асосларида мазкур фанни ўқитишнинг меъёрий факторлари мухим ўрин тутади. Юқорида таҳлил этилган меъёрий факторлар Геометрия фанини ўқитишнинг методологик асосларини кучайтириш, такомиллаштириш ва унинг амалий жиҳатларини асослашда мухим имкониятлар беради. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари мазкур фан методологиясида мухим аҳамиятга эга.

## 1.2. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурияти

Мамалакатимиз таълим тизимида аниқ фанлар, жумладан, Математика туркумидаги фанларни ўқитиш жараёнини методик жиҳатдан кучайтириш мухим вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан Геометрия фанини таълимнинг тўлиқ боскичи бўлган 10-11 синфларда инновацион ёндашувлар ва методлар асосида ўқитиш, бунда таълимнинг сифат самарадорлигига эришиш зарурият бўлиб турибди. Чунки Геометрия фанининг бугунги кунда ишлаб чиқариш, қурилиш, дизайн, технологик ривожланиш каби иқтисодиётнинг мухим тармоқларида аҳамияти ортиб бормокда. Инновацион иқтисодиёт шароитида ҳар бир фан қаторида Геометрия фани ҳам ўзининг имкониятлари, кашфиётлари ва ихтиrolари билан фаол иштирок этиши кузатилмоқда. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларида мазкур фанни ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурият бўлиб турибди.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурияти бир неча масалалар билан белгиланади. Бу масалаларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

фанни ўқитишнинг осон, кулай ва самарали методларини танлаш;

фанни ўқитиш методикасини ахборот-коммуникацион воситалар имкониятлари асосида такомиллаштириш;

фан бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш селекциясини амалга ошириш;

бундай тадбирлар воситасида фан бўйича иқтидорли ва маҳоратли мутахасислар тайёрлаш.

Буларнинг барчаси умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда асосланиш зарур бўлган таянчларни белгилайди.

1. Умумий ўрта таълим мактабларида, жумладан, 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитишда осон, кулай ва самарали методларни танлаш

механизмларини ишлаб чиқиш долзарбди. Чунки фанни ўқитиш самарадорлиги айнан ана шундай методларга таянишга боғлиқ. Бизнинг ёндашувимизга кўра, бундай методларни танлашда куйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беради:

- 10-11 синф ўкувчиларининг интеллектаул имкониятлари ва билим даражасини хисобга олган ҳолда фаннинг мавзуларини белгилаш;
- мавзулар бўйича машғулотларни ўтишда имкон қадар оддийликдан мураккабликка амал қилиш;
- ўқитишда қўлланилаётган методларнинг амалий натижа бермайдиган турларидан воз кечиш;
- дарс машғулотларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигига эришишда ўкувчиларнинг муносабатларини хисобга олиб бориш.

Бундай ёндашувлар асосида Геометрия фанини ўқитишнинг осон, кулай ва самарали методларини танлаш мумкин. Мисол учун, шу жиҳатдан амалдаги 10-11 синфлар Математика фанининг Геометрия курси мавзуларига эътибор беринг.

- стереометрия асослари;
- фазода тўғри чизиклар ва текисликларнинг параллеллиги;
- фазода координаталар системаси ва викторлар;
- пирамида ва конус масалалари.

Эътибор берилса мазкур йўналишларда ўкувчиларга аниқ геометрик билим берилади ва бу билан умумий ўрта таълим битиравчилари келгуси касбий фаолиятида ана шу кўникмани қўллаш имкониятига эга бўлади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синф ўкувчиларига Геометрия фанини чукурлаштириб ўқитиш билан уларни курилиш, мұхандислик, космонавтика ва дизайн каби касбларга йўналтириш имкониятига эга бўлинади. Бунинг учун ушбу фанни ўқитиш методларини танлашга зарурият туғилади. Албатта, бугунги кунга қакдар миллий таълим тажрибамизда бир қатор методлар тажрибадан ўтган. Айни пайтда, техник ва технологик ривожланиш даврида бу фанни ўқитиш методикасини танлашда

ахборот-коммуникацион технологияларга таянган методларни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида, айниқса, Геометрия фанини ўқитиш методикасини ахборот-коммуникацион воситалар имкониятлари асосида такомиллаштириш заруриятли масалалардан ҳисобланади. Бу хол куйидагилар билан белгиланади:

- ўқитиш жараёни ва уни амалга ошириш воситаларида ахборот-коммуникацион технологияларнинг имкониятларига таяниш кучайиб бормоқда;
- Геометрия фанини ўқитишда таянч методларни ахборот-коммуникацион воситаларга асосланган методлар ва технологиялар билан кучайтириш долзарб тус олди;
- мазкур фанни ўқитишда тезкорлик, кулайлик ва самарадорлик кўрсаткичлари илк режага чиқиши керак;
- ушбу фан бўйича иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва бунда замонавий технологияларга таяниш зарурият бўлиб туриби.

Мана шу омиллар натижасида умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш тақозо этилади. Мисол учун, умумий ўрта таълим мактабларининг Геометрия фанида ҳозирги замон геометрик тадқиқотларда қўлланиладиган тушунчалар, атамалар ва воситалар кенг қўлланилган. Бу борада айниқса, 10-синф Геометрия ўкув фани материаллари ўзига хос тарзда ифодаланган. Замонавий геометрик атамаларнинг мактаб таълимидаёқ ўкувчиларга тушунтирилиши бу фанни ҳалқаро талаблар даражасида ўқитиш имконини беради.

Ахборот-коммуникацион технологиялари Геометрия фанини ўқитишда кенг имкониятга эга. Чунки ахборот-коммуникацион воситаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган ахборот-коммуникацион технологиялари мазкур фанни ўқитишнинг методикасини замонавий даражада янгилайди. Чунки бундай технологиялар “масалаларнинг ечимини топиш мақсадида ахборотларни йиғиш, қайта тиклаш, саклаш, ифодалаш, тизимлаш, узатиш ва

ундан таълим олувчилар фойдаланиши учун маълумотларни қулай ҳолга келтириш” имкониятларига эга.<sup>8</sup> Шу сабабли 10-11 синфлар Геометрия дарсларини ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган методика асосида такомиллаштириш ва ҳозирги анъанавий ўқитиш методларини янгилаш кутилган самарани беради.

3. Геометрия фани бўйича иқтидорли ёшларни аниклаш ва тарбиялаш селекциясини амалга ошириш зарурят бўлиб туриди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мухим вазифалар кўйилган. Бу вазифалардан бири “ўқувчиларни иқтидори ва лаёқатини мақсадли шакллантириш”дан иборат. Шу сабабли Геометрия фани бўйича ўқувчиларнинг иқтидори ва лаёқатини шакллантириш билан уларнинг селекциясини амалга ошириш мумкин. Бу масала мазкур фан ўқитиш методикасини технологик янгилаш зарурятини қўяди. Шу жиҳатдан Геометрия фани бўйича иқтидорли ёшларни аниклаш ва тарбиялашда куйидагиларга асосланиш бизнингча, кутилган самарани беради:

- иқтидорли ёшларни аниклаш тестларини компьютер воситасида онлайн тарзда амалга ошириш;
- Геометрия фани бўйича бажариладиган топширикларни ахборот-коммуникацион воситалар имкониятларидан фойдаланиб сараланаётган ёшларга тақдим этиш;
- топширикларни баҳолашни компьютер дастури воситасида амалга ошириш;
- аникланган иқтидорли ёшларни Геометрия фани бўйича чукурлаштирилган тарзда ўқитиш ишларини факат ахборот-коммуникацион воситаларга таянган ҳолда амалга ошириш.

Бундай ёндашув иқтидорли ёшларни саралашда ҳолислик, тезкорлик ва аниқлик имконини беради. Чунки селекция ишларини айнан Геометрия

фани бўйича амалга оширишда мобил алоқа воситаси, компьютер каби ахборот-коммуникацион воситаларнинг ўрни мухим. Чунки мазкур фан бўйича бериладиган топшириклар ва уларнинг ечимлари тасвирларга, жадвалларга ҳамда диаграммаларга асосланиши маълум. Мисол учун, мазкур масалада 11-синф Геометрия фанида ҳозирги замон ҳалқаро тадқиқотларнинг хуносалари асосида ўқув материаллари жойлаштирилган ва уларни ўқитиш методикаси ҳалқаро таълим талабларига мос шакллантирилган. Бу ҳол фанни ўқитишда кутилган самарани беради ва айни пайтда, тақдим этилган методика янада кулайлаштиришни тақозо этади. Чунки ҳалқаро талабларга мос методика механизмлари миллий таълим тизимимизнинг эҳтиёжларига мослаштирилиши керак.

4. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш мазкур фан бўйича иқтидорли ва маҳоратли мутахассис-ўқитувчиларни тайёрлаш билан боғлиқдир. Чунки иқтидорли, маҳоратли ва профессионал Геометрия фани ўқитувчиси ёшларни ушбу фан бўйича кутилган даражада ўқитиш ва уларни келгусида мазкур фан соҳасига йўналтириш ишини амалга ошира олади. Шу сабабли куйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- мазкур фан бўйича ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларига ўқитиш учун номзодларни умумтаълим мактаблари ва ўқув-тарбия муассасаларидан танлашда устувор аҳамият бериш;
- Геометрия фани бўйича ўқувчиларнинг миллий ва ҳалқаро фан олимпиадаларида иштирок этишини фаоллаштириш, бу олимпиадалари ғолибларини Геометрия фани бўйича ўрта маҳсус олий таълим муассасаларига ўқишига имтиёзли қабул килиш;
- ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларидага Геометрия фани бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўқув ва амалий фаолиятларини чукурлаштирилган тарзда ташкил килиш;

<sup>8</sup>Педагогика фанидан изоҳли лўғат. Ж.Ҳасанбоев ва бошк. –Т., 2009. 51 бет

ундан таълим олувчилар фойдаланиши учун маълумотларни қулай ҳолга келтириш” имкониятларига эга.<sup>8</sup> Шу сабабли 10-11 синфлар Геометрия дарслкларини ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган методика асосида такомиллаштириш ва ҳозирги анъанавий ўқитиш методларини янгилаш кутилган самарани беради.

3. Геометрия фани бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш селекциясини амалга ошириш зарурият бўлиб турибди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараккӣёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мухим вазифалар кўйилган. Бу вазифалардан бири “ўкувчиларни иқтидори ва лаёқатини мақсадли шакллантириш”дан иборат. Шу сабабли Геометрия фани бўйича ўкувчиларнинг иқтидори ва лаёқатини шакллантириш билан уларнинг селекциясини амалга ошириш мумкин. Бу масала мазкур фан ўқитиш методикасини технологик янгилаш заруриятини кўяди. Шу жиҳатдан Геометрия фани бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаш ва тарбиялашда куйидагиларга асосланиш бизнингча, кутилган самарани беради:

- иқтидорли ёшларни аниқлаш тестларини компьютер воситасида онлайн тарзда амалга ошириш;
- Геометрия фани бўйича бажариладиган топширикларни ахборот-коммуникацион воситалар имкониятларидан фойдаланиб сараланаётган ёшларга тақдим этиш;
- топширикларни баҳолашни компьютер дастури воситасида амалга ошириш;
- аниқланган иқтидорли ёшларни Геометрия фани бўйича чукурлаштирилган тарзда ўқитиш ишларини факат ахборот-коммуникацион воситаларга таянган ҳолда амалга ошириш.

Бундай ёндашув иқтидорли ёшларни саралашда ҳолислик, тезкорлик ва аниклик имконини беради. Чунки селекция ишларини айнан Геометрия

фани бўйича амалга оширишда мобил алоқа воситаси, компьютер каби ахборот-коммуникацион воситаларнинг ўрни мухим. Чунки мазкур фан бўйича бериладиган топшириклар ва уларнинг ечимлари тасвиirlарга, жадвалларга ҳамда диаграммаларга асосланиши мълум. Мисол учун, мазкур масалада 11-синф Геометрия фанида ҳозирги замон ҳалқаро тадқиқотларнинг ҳуносалари асосида ўкув материалари жойлаштирилган ва уларни ўқитиш методикаси ҳалқаро таълим талабларига мос шакллантирилган. Бу ҳол фанни ўқитиша кутилган самарани беради ва айни пайтда, тақдим этилган методика янада қулаштиришни тақозо этади. Чунки ҳалқаро талабларга мос методика механизмлари миллий таълим тизимимизнинг эҳтиёжларига мослаштирилиши керак.

4. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш мазкур фан бўйича иқтидорли ва маҳоратли мутахассис-ўқитувчиларни тайёрлаш билан боғлиқдир. Чунки иқтидорли, маҳоратли ва профессионал Геометрия фани ўқитувчиси ёшларни ушбу фан бўйича кутилган даражада ўқитиш ва уларни келгусида мазкур фан соҳасига йўналтириш ишини амалга ошира олади. Шу сабабли қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- мазкур фан бўйича ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларига ўқитиш учун номзодларни умумтаълим мактаблари ва ўкув-тарбия муассасаларидан танлашда устувор аҳамият бериш;
- Геометрия фани бўйича ўкувчиларнинг миллий ва ҳалқаро фан олимпиадаларида иштирок этишини фаоллаштириш, бу олимпиадалари галибларини Геометрия фани бўйича ўрта маҳсус олий таълим муассасаларига ўқишига имтиёзли қабул қилиш;
- ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларида Геометрия фани бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўкув ва амалий фаолиятларини чукурлаштирилган тарзда ташкил қилиш;

<sup>8</sup>Педагогика фанидан изоҳли луғат. Ж.Ҳасанбоев ва бошк. –Т., 2009. 51 бет

- келгусида умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фани бўйича ўқитувчилик фаолиятини олиб борадиган талабаларнинг Реестрини ташкил қилиш ва унинг мониторингини йўлга кўйиш.

Буларнинг барчаси Геометрия фанини ўқитиш бўйича иқтидорли ва маҳоратли мутахассис-ўқитувчилар тайёрлаш ишига мақсадли ёндашиш ҳамда уни самарали амалга ошириш учун асос бўлади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурияти энг аввало мамлакатимиз инновацион иқтисодиётининг эҳтиёжлари билан боғлиқдир. Чунки ҳозирги замон инновацион иқтисодий ривожланиш жараёни Геометрия фани кашфиётларига ва иктиrolарига таянаётганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Шу сабабли 10-11 синфларда мазкур фанни ўқитиш бўйича куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўкувчилар орасида ушбу фан бўйича “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси иштирокчиларини танлаш ва уларнинг геометрик янги лойиҳалар билан иштирок этишини йўлга кўйиш. Бу билан 10-11 синф ўкувчиларини ушбу фан бўйича илмий изланишлар ва кашфиётларга йўналтириш амалга ошади;
- Геометрия фани бўйича ўкувчиларнинг IT технологик паркларда ўз лойиҳалари билан иштирок этишини ташкил этиш. Бу билан ўкувчиларнинг лойиҳаларини маҳсулот кўринишида ишлаб чиқиш ва уларнинг янгиликларини иқтисодиёт тармоқларига йўналтириш имкониятига эга бўлинади;
- мазкур фан бўйича ўкувчиларнинг ўзлаштирганликларини баҳолашни сертификация тизимига ўtkазиш. Бунда ўкувчиларнинг фан асосларини ўзлаштириши ва унинг муаммолари бўйича изланишлар олиб боришини йўлга кўйиш, изланишларни рағбатлантириш ва келгуси таълим босқичида давом эттириш учун шароитлар яратишга эришилади;


- ал-Хоразмий номидаги Тошкент ихтисослашган мактабнинг Геометрия фанини ўқитиш бўйича тажрибасини оммалаштириш. Бунда умумий ўрта таълим мактабларида мазкур мактабнинг тажрибалари асосида фанни ўқитиш ва унда таълим сифатига эришишга имкониятлар пайдо бўлади;
- мамлакатимиз худудларида “Замонавий мактаб” дастури доирасида Геометрия фани чукурлаштириб ўтиладиган синфлар ва мактаблар ташкил этиш. Бу билан мазкур фанни асосларини ўқитиш, унинг методикасини такомиллаштириш ва янгилаш, шунингдек, иқтидорли ўкувчиларни тарбиялаш имкониятлари кенгаяди.

Умуман умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг замонавий ва янги методикасини яратиш эҳтиёжи мавжуд. Бу жараён ҳозирги замон дунё олимлари томонидан фан бўйича амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар билан ҳам боғлиқ хисобланади. Чунки ривожланган давлатларда Геометрия фани бўйича мутлақо янги ёндашувлар, дидактик таъминот ва илмий-тадқиқотлар мажмуи мунтазам яратилмоқда. Ана шулардан фойдаланган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини янгилаш имкониятлари кенглигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эътиборингизга тақдим этилган таҳлиллар бўйича амалий мисол келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1- илова

**Юқорида тақдим қилинган “Цилиндр” мавзусини тақрорлаш учун визуал материаллар**



2-илова  
Цилиндр ён сирти ва тўла сиртини хисоблаш бўйича қуйидаги масалаларнинг ечиш методикасига эътибор беринг:

1. Цилиндр оқ кесимининг юзи 2га teng квадрат. Цилиндр асосининг юзини топинг.

Ечиш:

Берилган: Q=2; S= ?; Формула:  $S = \frac{\pi Q}{4}$ ; Hisoblash:  $S = \frac{\pi \cdot 2}{4} = \frac{\pi}{2}$ ;

2. Цилиндр асосининг радиуси 6см, унинг баландлиги 4 см. Цилиндр ўқ кесимининг юзини хисобланг.

Жавоб:  $48 \text{ см}^2$ .

3. Цилиндр асосининг юзи  $64 \text{ см}^2$ . Унинг баландлиги 8 см. Цилиндр ўқ кесимининг юзини хисобланг.

Жавоб:  $128 \text{ см}^2$ .

4. Цилиндрниг ўқ кесими юзи 36 см бўлган квадратдан иборат. Цилиндр ён сиртининг юзини топинг.


Жавоб:  $35 \text{ см}^2$ .

5. Цилинднинг ҳажми  $64 \text{ см}^2$ , унинг баландлиги 4 см бўлса, цилиндр асосининг юзини топинг.

Жавоб:  $16 \text{ см}^2$ .

3-илова

Цилиндр тушунчаси бўйича қуйидаги “Кластер” топшириғи берилади:



4-илова

Шунингдек, БББ жадвалини тўлдиринг

№	Мавзу бўйича саволлар	Биламан	Билдим	Билмоқчиман
1	Айланиш жисмлари			
2	Цилиндр			
3	Цилиндр ўқи			
4	Цилиндр ўқ кесими .			
5	Цилиндрик ясовчиси			
6	Цилиндрик сирт			
7	Цилиндр ён сирти юзи			
8	Цилиндр тўла сирти юзи			

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун фаоллаштирувчи саволлар**

1. Цилиндрик сирт деб нимага айтилади?
2. Цилиндрик сиртнинг ясовчиси деб нимага айтилади?
3. Сиз фандай цилиндрик сиртларни биласиз?
4. Тўғри доираний цилиндр деб нимага айтилади?
5. Цилиндрнинг ўқи деб нимага айтилади?
6. Цилиндрнинг ўқи кесими деб нимага айтилади?
7. Текислик цилиндрни унинг ўқига параллел равишда кесиб ўтса, кесимда қандай шакл хосил бўлади?
8. Қандай шартда цилиндрнинг ўқ кесими квадратдан иборат бўлади?
9. Тенг томонли цилиндр ўқ кесимининг диагоналлари ўзаро қандай бурчак ташкил қиласиди?
10. Цилиндрнинг ёйилмаси қандай шакл хосил қиласиди?
11. Цилиндр ён сиртининг юзи нимага тенг?

Мазкур ишланма умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш заруриятининг амалиёти хисобланади. Бундан ташқари мазкур фанни ўқитиш методикасини такомиллаштиришда ўкувчиларни илдизли масалалар ечишни ўрганиш кўникмасини шакллантириш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки замон тараққийлашиб техника даври бошланиши билан замонавий ўкувчиларнинг техникадан, масалан компьютерлардан, хисоблаш машиналаридан фойдаланиб мисолларни ишлашга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Шунинг учун мактаб ўкувчиларининг фикр доирасини кенгайтириш мақсадида, олий таълим муассасаларига кириш имтихон талаблари мураккаб даражада тузилган. Бу эса мамлакатга фикри теран ақлан етук кадрлар тайёрлашнинг илмий асоси хисобланади, шу сабабдан ўқитувчиларнинг олдига кўйилган талаблар ошиб бораверади. Юқоридагиларни хисобга олган ҳолда умумий ўрта мактабларида илдизли ифодаларни хисоблашда педагогиканинг услуб ва усулларини тадбиқ этиш долзарб муаммолардан бири хисобланади. Мактаб ўкувчилари олий таълим муассасасига кириш имтихонларида, олий таълим тизимида математика фанидан ўқитилиши керак бўлган баъзи бир мавзуларн бўйича бошланғич тушунчаларини ўзлаштирган бўлиши зарур. Бунинг учун мактаб ўкувчиси бошланғич тушунчалардан олган билим кўникмалари (фундамент тушунчалар) мустаҳкам бўлиши керак. Шу мақсадда одатда мактаб ўқитувчиларига жуда

катта талаб қўйилади, яъни мактаб ўкувчиларига математик формулаларни ёдлатиш етарли эмас. Сабаби олий таълим тизимига кириш имтихонига кўйилаётган ҳозирги мисоллар таркиби шундайки мактаб дарслкларида мисоллар таркибидан тубдан фарқ қилиб, қийинлилик даражаси ҳам жуда юқори саналади. Шу сабабли ҳам мактаб ўқитувчилари ҳар бир формулани ёдлатишдан олдин қандай келиб чиқсанлигини ва қандай маънога эга эканлигини тушунтиришлари лозим. Бу эса ўкувчидаги шахсий фикр дунёсини кенгайишига ёрдам беради. Бу мақолада баъзи иккинчи даражали илдизлар остидаги ифодадан илдиз чиқариш ва соддалаштиришга оид мисолларнинг турли усулларини муҳокама қиласиз ва албатта ўкувчига тушунарли осон усулда тўхтalamиз. Ушбу мақолада битта мисолни бир неча ҳил усулда ишлаш тартибини кўриб чиқамиз.

Бизга куйидагича мисол берилган бўлсин:  $\sqrt{11-6\sqrt{2}} + \sqrt{11+6\sqrt{2}}$  [1] хисобланг. Бу илдиз остидаги ифодаларни соддалаштириш учун учта усулдан фойдалиниш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозим: математикада ўнта мисолни бир ҳил усулда ишлагандан битта мисолни ўн ҳил усулда ишлаш самарали натижка беради.

1.  $\sqrt{11-6\sqrt{2}} + \sqrt{11+6\sqrt{2}} = x$  билан белгилаб тенгликни ҳар иккита томонини квадратта оширамиз  $(\sqrt{11-6\sqrt{2}} + \sqrt{11+6\sqrt{2}})^2 = x^2$  қисқа кўпайтириш формуласидан куйидагига келамиз  $11-6\sqrt{2} + 2\sqrt{11-6\sqrt{2}}\sqrt{11+6\sqrt{2}} + 11+6\sqrt{2} = x^2$  бундан  $22 + 2\sqrt{121 - 36 \cdot 2} = 22 + 2\sqrt{49} = 22 + 14 = 36 = x^2$ . Юқоридаги тенгликдан эса  $x^2 = 36$  квадрат тенгламани ечиш кераклиги кўринишиб турибди. Бу тенгламани ечими эса  $x = \pm 6$  га тенг. Илдиздан манфий сон чиқмаслигини инобатга олиб, ушбу ифоданинг жавоби б тенглигини кўриш мумкин.

2.  $\sqrt{11-6\sqrt{2}} + \sqrt{11+6\sqrt{2}}$  бу ифодани хисоблаш учун ҳар бир илдиз остидаги ифодани бирор ифода квадратига келтиришимиз керак. Бунинг учун  $\sqrt{11-6\sqrt{2}} + \sqrt{11+6\sqrt{2}} = \sqrt{11-2 \cdot 3 \cdot \sqrt{2}} + \sqrt{11+2 \cdot 3 \cdot \sqrt{2}} = \sqrt{9-2 \cdot 3 \cdot \sqrt{2}} + 2 + \sqrt{9+2 \cdot 3 \cdot \sqrt{2}} + 2$  ушбу тенгликдан ҳар бир илдиз остидаги ифода  $(a+b)^2$  ва  $(a-b)^2$  кўринишига келди. Яъни

$$\begin{aligned}\sqrt{11-6\sqrt{2}} + \sqrt{11+6\sqrt{2}} &= \sqrt{9-2 \cdot 3 \cdot \sqrt{2}} + 2 + \sqrt{9+2 \cdot 3 \cdot \sqrt{2}} + 2 = \sqrt{(3-\sqrt{2})^2} + \sqrt{(3+\sqrt{2})^2} = \\ &= 3-\sqrt{2} + 3+\sqrt{2} = 6\end{aligned}$$

бўлиши келиб чиқади.

3. Илдиз остидаги ифодани хисоблаш учун куйидаги формулани кўллашимиз мумкин.  $\sqrt{a \pm b\sqrt{c}}$  ифода учун куйидагича формула мавжуд.

Яъни аввал  $A = \sqrt{a^2 - b^2 c}$  ни хисоблаб олиб,  $\sqrt{a \pm b\sqrt{c}} = \sqrt{\frac{a+A}{2} \pm \sqrt{\frac{a-A}{2}}}$  [3]. формулага кўйиб хисобланади. Ушбу формуладан фойдаланиб  $\sqrt{11-6\sqrt{2}} + \sqrt{11+6\sqrt{2}}$  ифода учун  $A$  ни хисоблаймиз.  $A = \sqrt{a^2 - b^2 c} = \sqrt{121-36 \cdot 2} = \sqrt{49} = 7$  буни кўидагига кўйиб хисоблаймиз.  $\sqrt{11-6\sqrt{2}} + \sqrt{11+6\sqrt{2}} = \sqrt{\frac{11+7}{2}} - \sqrt{\frac{11-7}{2}} + \sqrt{\frac{11+7}{2}} + \sqrt{\frac{11-7}{2}} = \sqrt{9} - \sqrt{2} + \sqrt{9} + \sqrt{2} = 2\sqrt{9} = 2 \cdot 3 = 6$  бўлади.

Бундан кўриниб турибдики ҳар учта усулда ҳам жавоб бир ҳил чиқди.

Изоҳ: биринчи усулга шарҳ берилса, у ҳолда шундай дейиш мумкин. Биринчи усул ҳар доим ҳам ўринли яъни фойдаланишга кулагай бўлмайди. Сабаби агар илдизлар сони битта бўлса у ҳолда бу усулдан фойдаланиб бўлмайди. Масалан  $\sqrt{6-2\sqrt{5}}$  ифодани соддлаштиринг каби масалаларда кўллаб бўлмайди. Бу масалани ечиш учун учинчи усулдан фойдаланишимиз мумкин. Яъни формулага кўйиб  $A = \sqrt{36-4 \cdot 5} = \sqrt{16} = 4$  ни топамиз. Бундан  $\sqrt{6-2\sqrt{5}} = \sqrt{\frac{6+4}{2}} - \sqrt{\frac{6-4}{2}} = \sqrt{5} - 1$  эканлигини топамиз. Демак хулоса килиш мумкинки бундай мисоллар учун формулани кўллаш мумкин экан. Яъни учунчи усул самарали натижага беради ва кўп мисолларда кўллаш мумкин экан. Энди агар бизга  $\sqrt[3]{80+48\sqrt{3}}$  [3]. каби мисоллар берилган ҳолда қандай ишлаш мумкин? Формула факат иккинчи даражали илдизлар учун ўринли ҳалос. Бошқа яъни учинчи ва ундан юкори бўлган даражали илдизлар учун бу формула ўринли эмас. Шунинг учун бундай мисолларда иккинчи усулдан фойдаланамиз. Яъни илдиз остидаги ифодани бирор ифоданинг кубига келтиришига

харакат

киламиш.

$$\sqrt[3]{80+48\sqrt{3}} = \sqrt[3]{8(10+6\sqrt{3})} = \sqrt[3]{8((\sqrt{3})^3 + 3 \cdot (\sqrt{3})^2 \cdot 1 + 3 \cdot \sqrt{3} \cdot 1 + 1)} = \sqrt[3]{(2(\sqrt{3}+1))^3} = 2(\sqrt{3}+1)$$

жавоб ҳосил бўлади. Бундан иккинчи усул бундай мисолларда жуда самарали ва яхши натижага беради. Ҳамда бу иккинчи усул ўкувчини чукурроқ фикрлашга, бир ҳилликга ўрганиб қолмасликка ўргатади.

Масалан мисоллар илдиз остида параметр билан берилган ҳолда иккинчи усул ҳар доим жуда кўл келади.

Мисол:  $\sqrt{x+2\sqrt{x-1}} + \sqrt{x-2\sqrt{x-1}} \leq x \leq 2$  [2]. ни соддлаштиринг. Бу мисол учун юкоридаги ҳар учта усулдан фойдаланиш мумкин.

1)  $\sqrt{x+2\sqrt{x-1}} + \sqrt{x-2\sqrt{x-1}} = u$  билан белгилаб тенгликни ҳар икки томонини квадратга оширамиз.  $(\sqrt{x+2\sqrt{x-1}} + \sqrt{x-2\sqrt{x-1}})^2 = u^2$  бундан

$$(\sqrt{x+2\sqrt{x-1}} + \sqrt{x-2\sqrt{x-1}})^2 = x+2\sqrt{x-1} + 2\sqrt{(x+2\sqrt{x-1})(x-2\sqrt{x-1})} + x-2\sqrt{x-1} = 2x+2\sqrt{x^2-4x+4}$$

бўлади.

$$\sqrt{x^2-4x+4} = \sqrt{(x-2)^2} = |x-2|$$

еканлигидан ( $\sqrt{x+2\sqrt{x-1}} + \sqrt{x-2\sqrt{x-1}})^2 = 2x+2|x-2|$  бўлиши келиб чиқади.  $x$  – аргументга кўйилган шартга кўра  $2x+2|x-2|=2x+4-2x=4$  га тенг бўлади. Бундан  $y^2=4$  тенгламага келамиз ва бу тенгламани ечими  $y=\pm 2$  га тенг бўлиши келиб чиқади ва илдиз хоссасидан тенгламанинг ечими манфий сон бўлиши мумкин эмас шу сабаб ифоданинг киймати 2 га тенг бўлади. Бу усулнинг битта камчилиги, одатда жуда кўп ўкувчилар аргументга кўйилган шартни унитиб кўйишади ва мисол жавобини ҳато қилишади. Шунинг учун бу усул ҳар доим ҳам ўкувчилар учун қулагай яратмайди.

2)  $\sqrt{x+2\sqrt{x-1}} + \sqrt{x-2\sqrt{x-1}} = \sqrt{(x-1)+2 \cdot 1 \cdot \sqrt{x-1}+1} + \sqrt{(x-1)-2 \cdot 1 \cdot \sqrt{x-1}+1}$  бу тенгликдан ҳар бир илдиз ичидағи ифода бирор ифоданинг квадрати эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун

$$\sqrt{(x-1)+2 \cdot 1 \cdot \sqrt{x-1}+1} + \sqrt{(x-1)-2 \cdot 1 \cdot \sqrt{x-1}+1} = \sqrt{(\sqrt{x-1}+1)^2} + \sqrt{(\sqrt{x-1}-1)^2} =$$

келиб  $= |\sqrt{x-1}+1| + |\sqrt{x-1}-1|$

чиқади. Бу ифодада ҳам аргументга кўйилган шартга эътибор бериш лозим. Бундан  $\sqrt{x-1}+1-\sqrt{x-1}=2$  эканлиги келиб чиқади. Бу ечиш усули ҳам ўкувчилардан илдиз хоссасини билиш ва эътиборли бўлишни талаб этади.

3) Учинчи усул анча самарали усул бўлиб, бу усулда ўкувчилар илдиз хисоблаш формуласини илдиз остидаги ифода параметр билан берилган ҳолда кўллашни ҳам ўрганишади.

Формуладан фойдаланиб  $A = \sqrt{x^2 - 4(x-1)} = \sqrt{x^2 - 4x + 4} = \sqrt{(x-2)^2} = |x-2| = 2-x$

$$\sqrt{x+2\sqrt{x-1}} + \sqrt{x-2\sqrt{x-1}} = \sqrt{\frac{x+2-x}{2}} + \sqrt{\frac{x-2+x}{2}} + \sqrt{\frac{x+2-x}{2}} - \sqrt{\frac{x-2+x}{2}} =$$

келиб чиқади.

Бу мисоллардан шуни хулоса килиш мумкинки ҳар доим ҳам қандай мисолларни ишлашда ишлашда усулларни бор имконияти бўйича барчасини ўкувчиларга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини такомиллаштириш зарурияти масаласида *ахборот-коммуникацион* воситаларнинг имкониятларидан фойдаланиш

мухим ўрин тутади. Бунда айниқса, ахборот технологияларининг имкониятлари юқорилиги билан дикъатни тортади.

Таълим жараёнида ўқитишнинг янги технологияларини белгилайдиган методик, педагогик нашрлар билан танишиш, дарсда ўқитишнинг янги технологияларидан самарали фойдалана олиш, таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг билим фаоллигини шакллантиришда ижодий изланишнинг самарали усууларини ўргатиш ҳозирги замон талаби. XXI аср-ахборот технологиялари аспи. Замонавий жамиятда унинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳозирда таълимни ахборотлаштириш ва фанларни илмий-технологик асосларда ўқитиш мақсадлари белгиланмоқда.

Ахборот маконини яратиш мамлакатимиз таълим тизимидағи янгиликлардан биридир. Ахборотлаштириш шароитида ўқувчилар эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми ортиб, мазмуни ўзгариб боради.

Таълим соҳасида ахборот- коммуникатсион технологиялари ёрдамида таълим сифати ошади, ўкув жараёнини модернизатсия қилишнинг самарали усуулари кўлланилади ва янада такомиллаштирилади.

Билим-келажакка йўналишdir, ҳар қандай таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири бу шахснинг малакасини ривожлантиришdir. Малака қобилият билан биргаликда ривожланади. Қобилият ўкувчининг индивидуал ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун муваффакиятли ҳаракат демакдир. Шу билан бирга жамият талабларига жавоб берадиган ҳаракатлар учун зарур бўлган билимлар учун ижтимоий буюртмадир. Ахборот компетенцияси- бу шахснинг турли хил маълумотларни қабул қилиш, топиш, саклаш ва амалга ошириш, ахборот- коммуникатсион технологияларининг барча имкониятларидан фойдаланиш қобилияти. Қобилиятни ўкувчи томонидан мавзу бўйича олган билимлар тўплами сифатида қабул қиласлик керак. Бу ўзгарувчан мухитда ўрганиш натижасида олинган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаёлишини англатувчи янги сифатдир. Ахборот компетенциясини шакллантиришнинг

асосий мақсади ўқувчиларда ўз ишларида компьютер технологияларидан эркин ва самарали фойдаланиш қобилиятини шакллантиришdir. Ахборот ҳозирги замон кишининг асосий талаби ҳисбланади. Шунинг учун ўқувчиларга ахборот билимлари асосларини бериш, мантикий ва тизимли фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ўкувчиларни замон талабига мослашиш, яъни ахборот жамиятiga мослаштириш лозим. Ахборот технологиялари замонавий компьютер технологияларига асосланган, ахборотни йиғиш, саклаш, қайта ишлашни, ташишни таъминлайдиган математик ва кибернетик усуулар ва замонавий техник воситалар тўпламидир.

Коммуникация - ахборот узатиш усуулари ва механизмлари ва уларни ёзма равища етказиб бериш курилмаларни ўз ичига олган умумий тушунча ҳисбланади. Ахборот технологиялари шароитида умумий ўкув жараёнининг функциялари: ўқитиш, таълим, ахборотни башорат қилиш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш билан аниқланади. Бунинг асосий йўналишларига эътибор беринг:

- а) электрон дарсликлар;
- б) телекоммуникацион технологиилар ;
- с) мультимедия ва гиперматнли технологиилар;
- д) масофали ўқитишбошқариш(Интернет);

Ахборот-коммуникатсион технологияларини ўкув-тарбия жараёнига киритиша ўқитувчи олдига янги йўналишдаги мақсадлар кўйилади:

- мавзу бўйича ўкув-услубий электрон мажмуаларни яратиш;
- фандан методик Web- сайтларини очиш;
- умумий компьютер тармокларидан фойдаланиш;
- масофали ўқитиш (Интернет) машғулотлар давомида мустакил равища кўшимча маълумотлар олишни таъминлаш;
- дастурлаш мухитида инновацион усуулардан фойдаланган ҳолда дастурний сайтларни, воситаларни ишлаб чиқиш (мультимедия ва гиперматнли технологиилар).

Шунингдек, интерфаол таълим технологиясига таъриф берадиган бўлсак ўнда талаба жамоавий, ўзини- ўзи тўлдирадиган барча иштирокчиларнинг ўзаро таъсирига асосланган, ўкув жараёнини ташкил этиш жараёнини ўтказиб юбормайди. Айниқса, Геометрия фанини ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали ўкувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга имкон беради.

Дарсда ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги қуидагилар билан белгиланади:

- а) ўкувчининг мустақил ишлаши;
- б) қисқа вақт ичida кўпроқ маълумот олиш ва вақтни тежаш;
- с) билим ва қўникмаларни тестлар орқали текшириш;
- д) ижодий ҳисоботларни чиқариш;
- е) масофавий таълимнинг пайдо бўлиши;
- ф) иктисадий самарадорлик.

Замонавий таълимнинг асосий шартларидан бири бу ўкувчиларга ўзига керакли маълумотларни ўзи изланиб топишга ўргатиб, ўзларининг траекторияларини ўzlари танлаши ҳисобланади. Фикримизча, ахборот таълим мухитини лойихалаштиришнинг асосий максади талабалардан мустақил ўкишни талаб қилиш, яъни уларни изланувчанликка ўргатишидир.

Ахборот-коммуникацион технологиялари асосида ўқитишининг афзалликларини қуидагича белгилаш мумкин:

- а) улар ўрганилаётган мавзуси доирасида ёки маълум бир вақт ичida айтиб ўтилиши керак бўлган маълумот микдорини кўпайтиради;
- б) таълимни бир-биридан жуда узоқ масофада жойлашган турли хил таълим муассасаларидан олиш мумкин: юқори синф ўкувчилари битиув имтиҳонларга тайёрланиши, ДТМ Ахборотномаларидан фойдаланишлари ва х.к;
- с) таълим тизимини кўп босқичда такомиллаштирилиши таълим сифатини оширади.

Таълим бериш жараённида электрон дарслеклардан фойдаланиб катта ютукларга эришса бўлади. Электрон дарслеклардан фойдаланиш жараённида ўкувчи икки тарафлама билим олади: биринчиси-фан бўйича билим, иккинчиси - компьютер билими. Электрон дарслеклардан фойдаланишда ўкувчининг мустақил ижодкорлик ишлари билан шугулланишига, назарий билимларини амалий билимлар билан уйғунлашувига шароит яратиб беради. Электрон дарслеклар орқали ўкувчи кўплаб қўшимча материаллар олишга имкони бўлади, шу олган маълумотларни компьютердан кўрганлиги учун яхши ёдда сақлайди, мустақил ишлаш қобилияти шаклланади, шунингдек, ёш авлодни ўқитища инновациядан фойдаланиш –ижодкорликка эришишнинг асосий омилидир .

Ахборот- коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг методик мақсадлари қуидагилардир:

- ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида ўкув жараёнининг барча даражаларини такомиллаштириш;
- фанлараро боғлиқликни чукурлаштириш;
- керакли маълумотни қидиришни соддалаштириш ва ҳажмини кенгайтириш.

Олимларнинг тадқиқотлари асосида компьютер дастурини қўллашнинг учта асосий шаклини ажратиб олса бўлади:

- ўкувчиларнинг дастур билан мустақил ишлаши;
- масофадан ўқитиши (ўқитувчи билан ўкувчининг компьютер сайти орқали ўзаро мулокати);
- компьютер ёрдамидаги дарслар.

Ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш дарсларида бошқа дарслардаги каби ўқитувчи келгуси масалаларни ечишига тўғри келади:

- дидактик(дарснинг ўқитиши материалларини тайёрлаш,компьютер дастурини тахлилкилиш);

-методик(мавзуни беришда АКТ ни кўллаш усулларини аниклаш,дарснинг натижасини таҳлил қилиш,келгуси мақсадни кўйиш);

-ташкилий (талабага ортиқча топшириқ юкламаслик ва вақтни бехуда сарфламаслик учун ишни ташкил этиш);

-тренинг(талабаларнинг мавзу бўйича билимлари вадастурни тайёрлаш ёқитайёр таълим манбаларидан фойдаланиш бўйича ўқитувчининг мустакил иши).

Геометрия дарсларида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш визуализация ва иш тезлиги туфайли материални ўрганишда(ёзма ишнинг бўлмаслиги) вақтни тежашга имкон беради.

Интерактив режимда ўқувчиларнинг билимини текширишмашгулотлар самарадорлигини ошириш, шахснинг тўлиқ салоҳияти, билим,ахлоқий, ижодий, коммуникатив ва эстетик салоҳиятни рўёбга чиқаришга ёрдам беради, талабаларнинг интеллектуал, ахборот маданиятиривожлантиришга таъсирини кўрсатади.

Геометрия фанидарсларини Рақамли таълим манбаларидан фойдаланган ҳолда турли даражадаги ўқувчиларни ўқитиши самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Чунки рақамли технологиялар бевосита техника ва технологиянинг имкониятларига таянган ҳолда тасвирли, мультимедиали ҳамда диаграммали кўринишларга бойлиги билан мазкур фанни ўқитишнинг методикасини янада кучайтиради.

Таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш қуидаги мақсадларга қаратилган:

1. Ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида таълим-тарбия жараёнининг даражасини ошириш:

- таълим жараёнининг таъсири ва сифатини ошириш;
- фанлараро алоқани чукурлаштириш;
- соддалаштириш ва керакли маълумотларни қидириш ҳажмини ошириш;

2. Талаба шахсини ривожлантириш, ахборот жамиятида ҳаётга тайёрлаш:

-алоқа қобилиятларини ривожлантириш,шакиллантириш;

-компьютерлик графика, мультимедия технологиясидан фойдаланиш орқали эстетик тарбия бериш;

- ахборот маданияти, ахборотни қайта ишлаш қобилиятини шаклланиши.

3.Жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажариш:

- ахборот саводли одамни тайёрлаш

-компьютер мухитидан фойдаланувчиларни ўқитиши;

- ўқувчиларни ахборот-коммуникацион технологияларни ўрганишга йўналтириш.

Дарсни ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб ўтиш учун нима қилиш керак? Биринчидан, техник воситалар, компьютер, ўқитувчининг идеал ҳолатда автоматлаштирилган иш ўрни, видеопроекторва интерактив доска.

Иккинчидан, ўқитувчи компьютерда ишлай олиши, мультимедиали проекторхамда интерактив доскада ишлаш қонидлари билан таниш бўлиши лозим.

Тажриба шуни кўрсатадики, компьютер тизимда ўтилган дарслар ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқотни табораяқинлаштириб дарс жараёнига ижобийтаъсир кўрсатади.

Ўқитувчи – дарс жараёнини бошқаришда асосий ўринда туради,шунинг учун компьютер билан мультимедиали воситалар ўқитишнинг фақат воситаси сифатида қаралиши керак.

Ўқувчилар ахборот орқали олинган маълумотларни қониқарли, кўргазмали тарзда, ўқитувчининг тушунтиришларини, дарсликдаги мавзуларни ўз саҳифаларида ўқиди. Элекtron жадвал ёрдамида берилган алгоритм асосида масалаларни ҳал этиш жадвалдаги қийматлар бўйича турли шакллар ясаш ва босмага чиқариш ишларини бажариш мумкин.

Шундай қилиб, умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини такомиллаштириш зарурияти бир неча эҳтиёжлар, талаблар ва йўналишларнинг таъсирчанлиги билан белгиланади. Шу сабабли мазкур масалани атрофлича тадқиқ этиш ва унда фанни ўқитишининг оптималь ҳамда янги методикасини яратиш мақсадга мувофиқ бўлиб туриди.

### **Биринчи боб бўйича хуносалар**

1. Мамлакатимиз инновацион тараққиёти илм-фан ютукларига таянди. Шу жиҳатдан ижтимоий ва иқтисодий тармоқларда мухим касбий фаолиятни ташкил этишда Геометрия фани ҳам мухим ўрин тутади. Шу сабабли бугунги кунда мазкур фанни умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида ўқитиши методикасини янгилаш ва такомиллаштириш долзарб бўлиб туриди.
2. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг меъёрий факторларини давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, ўкув режа, дастур ва дарслеклари, фанни ўқитишининг анъанавий ва ноанъанавий методлари ҳамда технологиялари, фанни ўқитиши методикасини ривожлантириш бўйича миллий ва ҳалқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибалари ташкил этади.
3. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини такомиллаштириш зарурияти фанни ўқитишининг осон, қулай ва самарали методларини танлаш, фанни ўқитиши методикасини ахборот-коммуникацион воситалар имкониятлари асосида такомиллаштириш, фан бўйича иқтидорли ёшларни аниклаш ва тарбиялаш селекциясини амалга ошириш ҳамда бундай тадбирлар воситасида фан бўйича иқтидорли ва маҳоратли мутахассис-ўқитувчилар тайёрлаш билан белгиланади.
4. Буларнинг барчаси умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишининг методологик асосларини ташкил этади ва фанни ўқитиши методикасини янгилаш заруриятини белгилайди.

## **2 БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЙЎҚИТИШНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН МЕТОДЛАРИ**

### **2.1. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи**

Янги Ўзбекистон шароитида илм-фан ва таълим-тарбия жараёни ютукларини амалиётга тадбиқ этиб бориш асосий вазифалардан хисобланади. Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишининг сифат самарадорлигига эришиш ва ўкувчиларни ўзлаштирган билимларини амалиётда кўллай олиш кўнимаси билан куроллантириш долзарб бўлиб туриди. Чунги Янги Ўзбекистон ўкувчиси янги даврнинг янги авлоди хисобланади. Бу муаммони ҳал этишининг мухим асосларидан бири умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методини ишлаб чиқишидир.

Ўқитишининг ахборот-коммуникацион воситаларини телевидение, радио, мобил алоқа воситаси, компьютер каби замонавий техникалар имкониятлари ташкил этади. <sup>9</sup>Мазкур замонавий техник воситалар асосида ўқитишининг янги методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурият бўлиб туриди. Шу сабабли биз бу ўринда умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи мажмууга эътиборингизни тортамиз.

*Масофавий таълим* бу мураккаб шароитларда ахборот-коммуникацион техник воситаларга таяниб, онлайн тарзда амалга ошириладиган ўқитиши жараёнидир.<sup>10</sup> Масофавий таълим ўкув адабиётларининг юқорида таъкидланган ахборот-коммуникацион воситалари асосида алманишишини, иқтисослаштирилган ахборот мухити ёрдамида таълимни амалга ошириш имконини беради. Ўқитишининг бу шакли таълим тизимида ўқитувчиларни тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш билан бирга уларни ўкувчиларга чукурлаштирилган билим беришга тайёрлаш вазифасини бажаради. Масофавий таълим тизимида таълим берувчи ва таълим олувчи шахсларнинг мунтазам вертунал алоқаси амалга оширилади. Натижада ўкувчиларнинг

<sup>9</sup>Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: “Фан ва технология”. 2009. 44-бет.

<sup>10</sup>Шу манба. 263 бет.

Ўқитувчилар билан алоқадорлиги ривожланиб боради. Шу сабабли масофавий таълимнинг кўйидаги имкониятларига эътибор бериш керак:

- 1) масофавий таълим ўқувчиларнинг ўқишига ижобий ёндашишини таъминлайди;
- 2) педагогик жараён мақсади сифатида таълим олувчига йўналиш беришнинг имкониятлари бор;
- 3) методологик, назарий, услубий билимларни чуқурроқ эгаллаш имконини беради;
- 4) билиш фаолиятини мустакил ташкил этиш имконини беради;
- 5) таълимнинг турили ахборотларни топиш ва ўзлаштириш имкониятларини беради.

Эътибор берилса, масофавий таълимнинг бу имкониятларидан фойдаланиб, тумумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини янада такомиллаштириш мумкин. Негаки, масофавий таълим замонавий педагогик технология асосида ташкил этиладиган билиш фаолиятини ривожлантириш борасида кутилган самарани беради. Айни пайтда масофавий таълим ахборотларга бўлган эҳтиёжларни қондиришида, ахборот олиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, масофавий таълим педагогик фаолиятнинг ижодий характеристини оширади, яъни ўқитувчининг зарурий ахборотларни излай билиш, танланган ахборотлар билан ишлай олиш ва ўқувчиларга янги маълумотлар асосида таълим бериш имкониятларини кенгайтиради.

Масофавий таълимда айниқса, коммуникатив блок муҳим ўрин тутади. Коммуникатив блок – бу масофавий таълим жараённида қатнашувчиларнинг мулоқотлари асосида таълимни амалга ошириш жараёни бўлиб, унда компьютер имкониятлари, электрон почта, тест ўтказиш технологиялари ва дидактик материаллар мажмуудан кенг фойдаланилади. Шунингдек, масофавий таълимнинг ахборотли блоки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу блокда ўкув материалларидан фойдаланиш натижасида анкета, жадвал, диаграмма ва гистограммалардан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди.<sup>11</sup> Шу жихатдан масофавий таълимнинг ахборот-коммуникацион техник воситаларига таянган методини ишлаб чикиш ва унда умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишини назарда тутиш тадқиқотимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки ўқитишининг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи бир неча имкониятларга эга. Бу борада ахборот-коммуникацион воситалар умумий ўрта таълим

мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишида куйидаги имконият ва омилларни беради:

- ҳар бир мавзуни ахборот-коммуникацион техник воситаларини кўллаган ҳолда таяниб қизиқарли ўтиш;
- мавзулар бўйича берилган топширикларни техник воситаларга таянган ҳолда турли усулларда ва воситаларда ечиш;
- ҳар бир мавзу бўйича қўшимча топшириклар ва уларнинг ечими бўйича тавсиялар бериб бориш;
- ўкувчиларнинг Геометрия фанига бўлган қизиқиши, интилиши ва мазкур фан бўйича лаёқатларини мақсадли йўналтириш;
- компьютер каби ахборот-коммуникацион техник воситасининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда 10-11 синфлар Геометрия фани ўкув материалларини такомиллаштириб бориш.

Бундай имкониятлар умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини такомиллаштириш ва унда фан мазмунини янгилаши билан муҳим аҳамиятга эга. Шу жихатдан Геометрия фанини ўқитишида ахборот-коммуникацион воситаларга асосланган методикага таяниш бу - инновацион ёндашув бўлиб, унинг асосида фанни ўқитишининг қулий ва оптимал методларига эга бўлиш мумкин. Бизнинг ёндашувимизга кўра, ахборот-коммуникацион воситаларига таянган ўқитиши методлари Геометрия фанини ўқитишида куйидаги янгиланишларни амалга ошириш имконини беради:

- фанни ўқитишининг мақсад ва мазмунини ҳозирги замон инновацион ривожланиш талабларига мослаштириш. Чунки ҳозирги замон таълим жараёнининг талабларидан бири ўқитишининг мақсад ва мазмунини ривожлантириб боришдан иборат;
- фанни ўқитишининг методлари, воситалари ва технологияларини яхлит педагогик жараён сифатида моделлаштириш. Негаки ҳозирги техник ривожланиш жараёни ўқитишининг анъанавий методларини янгилашни, унинг янги воситаларига таянишни ва технологияларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда;
- фан воситасида ўкувчиларнинг ўкув-билиш ва тарбия олиш жараёнини кучайтириш. Геометрия фани воситасида ўкувчиларнинг ўкув-билиш кўнинмаларини кучайтириш ва уларнинг тарбия олиш жараёнини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш долзарб бўлиб туриби.

Бундай ёндашув умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишини инновацияга асосланган ахборот-коммуникацион воситаларга таяниш жараёнини кучайтиради. Таълим тизимимизнинг ҳозирги


<sup>11</sup>Қаранг: Мардонов Ш. Педагогика фанидан ўқитишининг электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чикиш технологияси. Тошкент. 2021

ривожланиш жараёни фанларни ўқитишида ахборот-коммуникацион воситалари орқали узатилаётган янги ахборотларни, маълумотларни ва тавсияларни ўзлаштиришни таққозо этади. Шу жиҳатдан бу борада хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, америкалик педагог олим У.Килпатрик ва буюк британиялик педагог олим Б.Расселнинг “Методлар лойихаси” номли ўқитиши лабораторияси тажрибаларидан фойдаланиш самарали хисобланади. Ушбу лаборатория тажрибаларида ахборот-коммуникацион воситаларга таянган ҳолда дарсликларни бутунлай ва ҳар бир ўкув жараёнида янгилаб бориш, уларни ўқитиши методикасида энг қулай ва осон ёндашувларга таяниш асослаб берилган.<sup>12</sup> Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион воситаларидан фойдаланган ҳолда методикасини такомиллаштиришда бундай тажрибалар кўл келади. Масалан, ушбу фаннинг ўкув материалларини янгилаб бориш ва уни ўқитиши воситаларини оптималлаштириш ана шу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот-коммуникацион воситаларида фанлар бўйича янги билимлар мажмую мунтазам тақдим этиб борилмоқда. Чунки мамлакатимиз ва дунё педагог олимлари томонидан янги техник имкониятлар ва технологияларга асосланган илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бундай илмий - тадқиқотларда фанларни ахборот-коммуникацион воситаларнинг имкониятлари асосида ўқитиши, таълим методикасини такомиллаштириш ва ўкувчиларнинг ўзлаштиришини осонлаштирувчи турли тавсиялар тақдим этиб борилмоқда. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактаблари Геометрия фани ўқитувчилари мунтазам равишда ахборот-коммуникацион воситалар асосида узатилаётган янги ахборот ва маълумотлар билан мунтазам равишда танишиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, мамлакатимизнинг барча умумий ўрта таълим мактабларида Интернет тармоги фаолияти йўлга кўйилган.

Бу ўринда мазкур масала бўйича биз томонимиздан шакллантирилган янги метод таҳлилига диққатингизни тортамиз.

Педагогик адабиётлар, илмий-тадқиқотларда масофавий таълим бўйича тадқим этилган тавсиялар ва ахборот-коммуникацион техник воситаларнинг имкониятларидан фойдаланиб кўйидаги “Умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи” ишлаб чиқилди. Мазкур методнинг тузилмаси кўйидагилардан иборат:



<sup>12</sup>Бордовская Н., Реан А. Педагогика. –Санкт Петербург, 2001 –С 126

*1-расм. Умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларида Геометрия фанини ахборот-коммуникацион масофавий таълим методик ишланмаси*

Ушбу методик ишланма маҳсус Компьютерли дастур асосида яратилган бўлиб, унинг ҳар бир файл-папкасида тегишли материаллар жойлаштирилган. Унда 1 файлда тадқиқотимизнинг биринчи боб биринчи параграфида таҳлил этилган материаллар киритилган, 2 файлда диссертациямизнинг биринчи боб иккинчи параграфидаги материаллар киритилган, 3 файлда юқорида тақдим этилган ишланмадан фойдаланиш методикаси киритилган; 4 файлда амалдаги 10-синф Математика фани дарслигининг Геометрия курси қисмидаги материаллар жойлаштирилади, 5 файлда амалдаги 1-синф Математика фани дарслигининг Геометрия қисми бўйича материаллар жойлаштирилади. Бунинг натижасида мазкур методик ишланмадан фойдаланиш қулаштирилди. Айни пайтда мазкур методикадан анъанавий дарс жараёнида ва масофавий таълим шаклида фойдаланишининг имкониятлари мавжуд. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, умумий ўрта таълим мактабларининг компьютерлаштирилганлиги мазкур янги методикадан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Бу ишланманинг тузилмаси бўйича тадқиқотимизнинг 1-иловасига қаранг.

Мазкур Компьютерли методдан фойдаланиш механизми куйидагича:

- 1) компьютерли методда 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитиш бўйича ўқув дастури киритилган;
- 2) ҳар бир мавзу бўйича дарсликлардаги материаллар ва уларни бойитувчи кўшимча ўқув материаллари тақдим этилган;
- 3) мавзуларни ўзлаштириш бўйича тақдим этилган ўқув материалларининг мазмуни ўқувчиларнинг мустақил ишлаши ва фикрлаши кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган;
- 4) ҳар бир мавзу ва машгулотлар бўйича Компьютерли методда “Ўқитувчи китоби”да тавсиялар, материаллар ҳамда маълумотлар киритилган, улардан ўқитувчи машгулотларга таяниш жараёнида фойдаланиш имкониятларига эга;
- 5) компьютерли методда мавзулар бўйича мультимедияли ўқув маҳсулотлари ҳам тақдим этилган ва бу маълумотлардан мавзулар машгулотларини турли вариантларда ўтиш учун фойдаланиш имкониятлари мавжуд;
- 6) мазкур методдан фойдаланиш таълим берувчи ва таълим оловчи томонидан фақат компьютер ахборот-коммуникацион воситасига таянган ҳолда амалга оширилади.

Эътибор бөрилса, мазкур янги методик ишланма Геометрия фанини ўқитишида кўпроқ масофавий таълим шаклида фойдаланишгамослаштирилган. Чунки мураккаб шароитларда масофавий таълим шакли воситасида ўқитиш жараёни амалга оширилаётгани маълум. Шу сабабли мазкур методикадан фойдаланиш ва уни ўзлаштириш тавсия этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методининг самарали имкониятлари кўп. Бу ўринда бундай имкониятларнинг куйидаги энг муҳимларини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- ўқувчиларнинг мазкур фанга бўлган қизиқишининг ошиши;
- ўқувчиларда топшириқларни мустақил бажариш ва таҳлилий тафаккурга таяниш кўникмаларининг шаклланиши;
- ҳар бир топшириқнинг замонавий техник воситалар асосида қизиқарли тақдим этилиши;
- ўқитувчи ва ўқувчининг вақтининг тежалиши ҳамда вакт меъеридан оқилона фойдаланишининг мавжудлиги;
- машгулотларнинг эркин, ижодий ва мустақил хусусиятта асосан амалга оширилиши;
- дарслик материалларининг бойитиб борилиши;
- умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун кўйилган малака талабларига қатъий амал қилишнинг мавжудлиги.

Буарнинг барчаси умумий ўрта таълим мактабларида ушбу фанни ўқитиш методикасини ахборот-коммуникацион техник воситаларига таянган ҳолда тақомиллаштиришнинг самарадорлигини таъминлайди.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, бундай янги методик ишланмалар ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги шароитда онлайн шаклида амалга оширилаётган малака ошириш курсларида бундай янги методик ишланмаларни компьютер воситасида тақдим этиш имконияти мавжудлигини эслатиб ўтиш жоиз. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кейинги беш йил давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган педагогик илмий-тадқиқотларда ўзига хос янги методлар, ўқитишининг турли усуллари ва технологиялари тақдим этилмоқда. Шу жиҳатдан биз томонимиздан шакллантирилган мазкур янги методик ишланмадан ҳам умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига Геометрия фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ўринда амалий мисол сифатида эътиборингизни куйидаги мавзунинг методикасига тортамиз:

“Конус. Кесик конус. Конуснинг ён ва тўла сирти. Кесик конус ён ва тўла сирти юзи” мавзусининг ўқитиш технологияси модели.

<b>Мавзу</b>	<b>Конус. Кесик конус. Конуснинг ён ва тўла сирти. Кесик конус ён ва тўла сирти юзи</b>
<b>Вақти – 80 минут</b>	<b>Ўқувчилар сони 30 нафар</b>
<b>Машғулот режаси</b>	1. Конус. 2. Кесик конус. 3. Конуснинг ён ва тўла сирти. 4. Кесик конус ён ва тўла сирти юзи
<b>Асосий тушунча ва атамалар</b>	Айланиш жисмлари, ясовчи, ўқ кесими, кесик конус, доиравий сектор, симметрия ўки.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b>	
<p><b>Таълимий:</b> Конус, кесик конус тўгрисида тўлиқ маълумот бериш, конуснинг ён сирти ва тўла сирти юзини топиш формулаларини келтириб чиқариш.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> ўқувчиларни геометрия фанининг мўъжизалари билан таништириб, геометриянинг фан ва техникадаги ўрнини кўрсатиш орқали меҳантсеварликка, бой маънавий меросимизни асраб авайлашга ўргатиш.</p> <p><b>Ривожлантирувчи:</b> ўқувчиларни мустакил фикрлашга, таянч билмларини ривожлантиришга ўргатиш, ўқувчиларда ўқув адабиётлар, кўшимча кўлланмалардан фойдаланишга ўргатиши ривожлантириш, мамлакатимизнинг бекиёс салоҳияти, ёшларга бўлган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар борасида устувор сиёсатини тушунтириш орқали ватанга муҳаббат туйғусини ривожлантириш ўқувчиларнинг касбий билимларидан фойдаланиб, ўрганилаётган мавзуга қизикиш ўйғотиш.</p>	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- айланиш жисмлари ҳақидаги маълумотларни такрорлаш;</li> <li>- конус ҳақида тушунча бериш;</li> <li>- кесик конус ҳақида тушунча бериш;</li> <li>- конус ён сирти ва тўла сирти формулаларини келтириб чиқариш;</li> <li>- кесик конус ён ва тўла сирти формулаларини келтириб чиқариш</li> </ul> <p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- айланиш жисмлари ҳақидаги маълумотларни эсга олади;</li> <li>- конус ҳақида тушунчаларни билиб олади;</li> <li>- кесик конус ҳақида тушунчаларни билиб олади;</li> <li>- конус ён сирти ва тўла сирти формулаларини билиб олади;</li> <li>- кесик конус ён сирти ва тўла сирти формулаларини билиб олади</li> </ul>	
<b>Ўқитиш усули ва техникаси:</b>	
<b>Таълим бериш воситалари:</b>	

<b>Ўқитиш шакллари:</b>	<b>Мустакил иш, гурӯхларда ишлаш</b>
<b>Ўқитиш шароитлари:</b>	Гурӯхдаги ишларни ташкиллаштириш учун мувофиқлашган техник ускуналар билан жиҳозланган аудитория.

“Конус. Кесик конус. Конуснинг ён ва тўла сирти. Кесик конус ён ва тўла сирти юзи” мавзусининг технологик харитаси

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолияти</b>	
	<b>Таълим берувчи</b>	<b>Таълим олувчи</b>
<b>1-bosqich Кириш (20 minut)</b>	<p>1.1. Хона тозалиги текширилади, давомат килинади. Машғулот ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонлари тушунтирилади.</p> <p>1.2. Геометриядан ўтилган мавзуларни такрорлаб, Блиц-сўров асосида савол жавоб ўтказилади (1-илова).</p> <p>1.3. Ўтилган мавзу бўйича мустакил иш берилади, тарқатма материаллар тарқатилади (2-илова).</p> <p>1.4. Дарс мавзуси, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалари маълум килинади, асосий тушунча ва атамаларга изоҳ берилади</p>	<p>1.1. Эшитади</p> <p>1.2. Эшитади, саволларга жавоб беради</p> <p>1.3. Масалаларни ишлайдилар, ечадилар</p> <p>1.4. Тинглайдилар ва зурурий ахборотларни ёзib борадилар</p>
<b>2-bosqich Асосий босқич (50 minut)</b>	<p>2.1. Визуал материаллардан фойдаланган ҳолда янги мавзу тушунтирилади (3-илова).</p> <p>2.2. Конуснинг ён ва тўла сиртини топиш бўйича масалалар ечилади (4-илова)</p> <p>2.3. Кластер топшириги берилади (5-илова)</p> <p>2.4. Ўқувчиларни эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун БББ жадвали тарқатилади (6-илова)</p>	<p>2.1. Кўради, эшитади ва асосий жойларини ёзib олади.</p> <p>2.2. Масалалар ишлайдилар</p> <p>2.3. Кластер топширигини бажарадилар</p> <p>2.4. БББ жадвалини тўлдирадилар</p>

	и洛ва)	
	2.5. Фаоллаштирувчи саволлар берилади (7-илова)	2.6. Саволларга жавоб беради
	2.6. Ўқувчилар саволларига жавоб берилади	
3-босқич Якуний босқич (10 минут)	3.1. Ўқувчилар эътиборини асосий масалаларга қаратиб мавзуга якун ясайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради, хулоса чиқаради, таҳлил қиласди.
	3.2. Мустакил топшириклар беради.	3.2. Мустакил топширикларни ёзиб олади.
	3.3. Ўқувчиларни баҳолайди	3.3. Баҳоларни эшитади.

## Блиц-сўров


1. Конус сирт деб нимага айтилади?
2. Конус сиртнинг йўналтирувчиси деб нимага айтилади?
3. Конус сиртнинг ясовчиси деб нимага айтилади?
4. Сиз қандай конус сиртларни биласиз?
5. Тўғри доиравий конус деб нимага айтилади?
6. Конуснинг ўки деб нимага айтилади?
7. Когнуснинг ўқ кесими деб нимага айтилади?
8. Текислик конусни унинг ўқига параллел равишда кесиб ўтса, кесимда қандай шакл ҳосил бўлади?
9. Қандай шартда конуснинг ўқ кесими квадратдан иборат бўлади?
10. Тенг томонли конус ўқ кесимининг диагоналлари ўзаро қандай бурчак ташкил қиласди?
11. Конуснинг ёйилмаси нима?
12. Конуснинг ёйилмаси қандай шакл ташкил қиласди?
13. Конус ён сиртининг юзи нимага тенг?

## 1-илова

Визуал материаллар

**Konus**

*Konus deb bitta nuqtadan chiquvchi va yassi sirt orqali o'tuvchi barcha nurlarni birlashtirishdan hosil bo'lgan jismga aytildi.*




*To'g'ri doiraviy konusning uchi asosining markaziga proyeksiyalanadi.*


*r - konus asosining radiusi;  
MO - konusning balandligi;  
MA - konus yasovchisi.  
MA - l*

*Konus yon sirtining yuzi asos aylanasi uzunligi bilan yarmi yasovchisi uzunligining ko'paytmasiga teng:*


$$S_{yon} = \pi r l$$



*Konusning konus o'qiga perpendikular tekislik bilan kesimi*



*Konusning konus o'qiga perpendikular tekislik bilan kesimi*




	илова)	
	2.5. Фаоллаштирувчи саволлар берилади (7-илова)	2.6. Саволларга жавоб беради
	2.6. Ўқувчилар саволларига жавоб берилади	
3-босқич Якуний босқич (10 минут)	3.1. Ўқувчилар эътиборини асосий масалаларга қаратиб мавзуга якун ясади.	3.1. Эшитади, аниклаштиради, хулоса чикаради, тахлил килади.
	3.2. Мустакил топшириқлар беради.	3.2. Мустакил топшириқларни ёзиб олади.
	3.3. Ўқувчиларни баҳолайди	3.3. Баҳоларни эшитади.

2-илова

Визуал материаллар

### Konus

*Konus deb bitta nuqtadan chiquvchi va yassi sirt orqali o'tuvchi barcha nurlarni birlashtirishdan hosil bo'lgan jismiga aytildi.*




*To'g'ri doiraviy konusning uchi asosining markaziga proyeksiyalanadi.*


*r - konus asosining radiusi;  
MO - konusning balandligi;  
MA - konus yasovchisi.  
MA - l*

*Konus yon sirtining yuzi asos aylanasi uzunligi bilan yarmi yasovchisi uzunligining ko'paytmasiga teng:*


$$S_{yon} = \pi r l$$



*Konus - aylanish jismi*



*Konusning o'q kesimi*



*Konusning konus o'qiga perpendikular tekislik bilan kesimi*

### Блиц-сўров

1-илова


1. Конус сирт деб нимага айтилади?
2. Конус сиртнинг йўналтирувчиси деб нимага айтилади?
3. Конус сиртнинг ясовчиси деб нимага айтилади?
4. Сиз қандай конус сиртларни биласиз?
5. Тўғри доиравий конус деб нимага айтилади?
6. Конуснинг ўқи деб нимага айтилади?
7. Когнуснинг ўқ кесими деб нимага айтилади?
8. Текислик конусни унинг ўқига параллел равиша кесиб ўтса, кесимда қандай шакл ҳосил бўлади?
9. Қандай шартда конуснинг ўқ кесими квадратдан иборат бўлади?
10. Тенг томонли конус ўқ кесимининг диагоналлари ўзаро қандай бурчак ташкил килади?
11. Конуснинг ёйилмаси нима?
12. Конуснинг ёйилмаси қандай шакл ташкил килади?
13. Конус ён сиртининг юзи нимага teng?

## Мустақил ечиш учун масалалар

- Конуснинг ясовчиси 13 см, асоси айланасининг диаметри 10 см.га тенг. Конуснинг баландлиги топилсин. Жавоби: 12 см.
- Конус асосининг диаметри 12 см, ясовчиси эса 10 см бўлса, конус тўла сиртининг юзини хисобланг. Жавоби:  $48 \text{ см}^2$ .
- Конус асосининг радиуси 16 см, конуснинг баландлиги эса 12 см бўлса, конус ён сиртининг юзини хисобланг. Жавоби:  $320\pi \text{ см}^2$ .
- Конус асосининг диаметри 16 см, конуснинг баландлиги 6 см бўлса, конус тўла сиртининг юзини хисобланг. Жавоби:  $144\pi \text{ см}^2$ .

4-илова

Кластер топширигини бажаринг.



## БББ жадвалини тўлдиринг

№	Мавзу саволи	Биламан	Билдим	Билмоқчиман
1.	Айланиш жисмлари			
2.	Конус			
3.	Конус ўқи			
4.	Конусни ўқ кесими			
5.	Конус ясовчиси			
6.	Кесик конус			
7.	Конус ён сирти юзи			
8.	Конус тўла сирти юзи			
9.	Кесик конус ён сирти юзи			
10.	Кесик конус тўла сирти юзи			

## Мавзуни мастахкамлаш учун фаоллаштирувчи саволлар

- Конус сирт деб нимага айтилади?
- Конус сиртнинг ясовчиси деб нимага айтилади?
- Конус сиртнинг йўналтирувчиси деб нимага айтилади?
- Тўғри доиравий конус деб нимага айтилади?
- Конуснинг баландлиги деб нимага айтилади?
- Конуснинг ўқ кесими деб нимага айтилади?
- Текислик конуснинг учи орқали ўтиб унинг асосини кесиб ўтганда қандай геометрик фигура хосил бўлади?
- Конуснинг ёйилмаси деб нимага айтилади?
- Конуснинг ёйилмаси бурчаги қандай хисобланади?
- Доиравий конус ён сиртининг юзи қандан хисобланади?
- Конуснинг тўла сирти нимага тенг?
- Кесик конус деб нимага айтилади?
- Кесик конус ён сиртининг юзи қандай хисобланади?
- Кесик конус тўла сиртининг юзи қандай хисобланади?

Мазкур методикадан фойдаланишда юқорида биз томонимиздан такдим этилган янги методик ишланмадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи биз томонимиздан шакллантирилган ишланма асосида тақдим этилмоқда. Ушбу ишланмадан фойдаланган ҳолда фанни ўқитиши методикасини такомиллшатириш ва янгилаш имкониятлари мавжуд.

## **2.2. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион электрон-модули методи**

Умумий ўрта таълим мактабларида Математика туркумидаги фанларни ўқитиши жараёнини халқаро таълим дастурлари ва хорижий мамлакатларнинг ўкув тажрибалари асосида ташкил этиш жараёни кечмоқда. Шу жиҳатдан Геометрия фанини ўқитиши методикасини янгилаш ва бу асосда фанни ўқитишининг сифат самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб туриди. Бу борада академик Ш.Аюбов дейди: Математик туркумдаги “дарсликлардаги ёндашувни ва методикани ўзгартиришимиз керак”.<sup>13</sup> Бу ҳол умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фани дарслигининг ёндашувини, яъни ундаги ўкув материалларини оптималлаштиришни ва дарслик методикасини, яъни фанни ўқитишининг воситаларини янгилаш вазифаларини кўяди. Мазкур вазифаларни кутилган даражада бажаришда 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион электрон-модули методи ишланмасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитишининг ахборот-коммуникацион электрон-модули методи компьютер техник воситасининг имкониятларига таянади. Бунда компьютер технологияси таълим мининг хусусиятларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Компьютерли таълим дастурлари ўз олдига қуидаги икки вазифани кўяди: биринчидан, ахборот ва маълумотли тартибда ўқитиши; иккинчидан, ўқитиши жараёнини техник восита асосида назорат қилиб бориш.<sup>14</sup> Шу жиҳатдан компьютерли таълим масофадан туриб ўқитиши мобайнида ўкувчиларнинг ўз-ўзи томонидан билимларини синаб боришида муҳим ўрин тутади. Мазкур таълим мининг маҳсус ишлаб чиқиладиган ўкув воситалари тезкорлиги, кулайлиги ва осонлиги билан аҳамиятга эга.

Компьютерли таълим дастурлари ўкув жараёнини модуллаштириб тақдим этишда кулай имкониятларга эга. Ҳозирги кунда ўкув жараёнини компьютерда модуллаштириш технологияси таълим ва тарбияда сифат самарадорлигини кутилган даражада амалга ошириш имконини беради.

<sup>13</sup>Ш.Аюбов. Мамлакатимизда Математика фанининг янги тарихи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 18 июнь сони

<sup>14</sup>Хасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли лўғат. –Т.: “Фан ва технология”. 2009. 229-бет.

Компьютерли таълим дастурларидан фойдаланишда қуидагиларга эътибор бериш самарали хисобланади:

- тақдим этилаётган билимнинг аник асосларини ўрганиш;
- ҳар бир машғулотларда маҳсус ишланмаларни кўллаш;
- ўқитиши жараёнини самарали назорат қилиш.

Бундай имкониятлар умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион электрон-модули методи ишланмасини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш механизмларини яратиш асосларини беради.

Ахборот-коммуникация воситаларига асосланган технологиялар таълим беришнинг методикасини янгилаш имкониятларига эга. Бундай имкониятларининг энг асосийларини қуидагилар ташкил этишини эслатиб ўтиш жоиз:

- ўкувчиларнинг ёши, жисмоний, ақлий ва руҳий имкониятларига мос техник воситаларни танлаш ва улар асосида машғулотларни тезкор равишда ўтиш;
- компьютер каби техник воситаларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда геометрик масалаларни бир неча шакллар ва варианtlарда ечиш;
- ахборот-коммуникацион воситаларнинг имкониятларига таянган ҳолда дарсликнинг мүкобил варианtlарини яратиш;
- дарслик билан биргаликда кўшимча методик материалларни шакллантириш ва улардан ўқитиши жараённида фойдаланиш.

Ахборот-коммуникация воситаларига таянган бундай технологиялар имкониятлари Геометрия фанини ўқитиши методикасини бутунлай янгилаш имконини беради.

Ўқитишининг электрон-модули шакли ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, унинг назарий ва амалий асослари педагогик олимларимиз томонидан таҳлил қилиб берилган. Мисол учун, бу борада педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Қ.Мардонов томонидан ишлаб чиқилган технология муҳим аҳамиятга эга. <sup>15</sup>Унга кўра, ўқитишининг электрон-модули дидактик таъминоти компьютер каби ахборот-коммуникацион техника воситасига таянган ҳолда таълим мининг сифатли берилишига ва унинг самарадорлик кўрсаткичларига кутилган даражада эришишга асосланади. Бунда таълим жараёни вертуал тарзда амалга оширилади. Шу сабабли ўқитишининг электрон-модули шакли куийдаги кулайликларни беради:


<sup>15</sup>Қаранг: Мардонов Ш.Қ. Педагогика фанидан ўқитишининг электрон-модули дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси. Тошкент, 2021

- мавзулар материалларини компьютер воситасида турли анимациялар ва тасвиirlар воситасида тақдим этиш;
- мавзулар материалларини ҳар бир машғулотда мультимедияли воситалар асосида қайта ишлаш;
- мавзуларни ўқувчиларнинг кизиқишига мос равишда тасвири ўқитиш ва уларнинг ўзлаштиришини кучайтириш;
- ўкув материалларини мунтазам равишда янгилаб ва қулаштириб бориш.

Шу сабабли ҳозирги замон умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишнинг электрон-модулли шакли имкониятларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кейинги икки йил давомида мамлакатимиз таълим тизимида ўқитишнинг электрон-модулли тизимига асосланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки биринчидан, ўқитишнинг электрон-модулли тизими Геометрия каби аник фанларни масофадан туриб ўқитишида жуда қуай хисобланади; иккинчидан, бу тизим ҳозирги мураккаб шароитда ўқитиш жараёнини талаб даражасида амалга ошириш имконини беради. Шу сабабли профессор Ш.Қ.Мардонов томонидан ишлаб чиқилган ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминоти технологиясидан Геометрия фанини ўқитишида фойдаланиш бизнингча, мақсадга мувоғиқ бўлади.

Буларнинг барчаси умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишнинг ахборот-коммуникацион электрон-модулли методи ишланмасини яратишга методологик асос бўлади. Шу сабабли биз томонимиздан куйидаги методик ишланма ишлаб чиқилди:



2-расм. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг ахборот-коммуникацион электрон-модулли методи

Мазкур методик ишланмана Компьютерли таълим дастури асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мазмуни учун тадқиқотимизнинг 2-иловасига каранг.

Ушбу Геометрия фанини ўқитишнинг ахборот-коммуникацион электрон-модулли методи ишланмасидан фойдаланиш механизми куйидагилардан иборат:

- 1) ишланма компьютер дастурида жойлаштирилган ва унда ўкув материалларининг барчаси ўз аксини топган;
- 2) ишланмани дарс жараёнида компьютер воситасида анъанавий ёки масофавий таълим шаклларида амалиётда кўллаш тавсия этилади;
- 3) ишланмага киритилган 10-11 синф Геометрия фани ўкув материаллари кўшимча маълумотлар, топшириклар ва тавсиялар билан бойитилган;
- 4) ишланмадан фойдаланишда ўқувчиларнинг фаоллигига таяниш тавсия этилади;
- 5) ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёни уларнинг мавзуларни ижодий ўзлаштиришига кўра баҳоланади;
- 6) ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ўзлаштириши баҳоланади ва назорат қилинади.

Дикқат қилинса, ушбу методик ишланма ҳозирги замон инновацон технологиялар асосида шакллантирилган. Шу сабабли мазкур ишланмани 10-11 синф Геометрия фанини ўқитиш жараёнида кенг тадбиқ этиш тавсия этилади.

Умуман бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион электрон-модули методи замонавийлиги, тезкорлиги ва қулайлиги билан илмий-методик аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги замон Педагогика фани ўқитишининг электрон-модули таъминотига таянишни муҳим асослардан бири сифатида қабул қилмоқда. Бу борада педагог олимларимиз томонидан муҳим ишланмалар яратилмоқда. Мисол учун, педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Қ.Мардонов томонидан биринчилардан бўлиб ўқитишининг электрон-модули дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси бўйича ўзига хос концепция яратилди. Бу концепциянинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- ўқитишининг электрон ўқув модули асослари;
- ўқитишининг электрон ўқув модулини кўллаш босқичлари;
- ўқитишининг электрон ўқув модулида ўқув материалларини тизимлаштириш омиллари;
- ўқитишининг электрон модулида дидактик материалларин яратиш технологияси;
- ўқитишининг электрон ўқув модули асосида вертуал амалий машғулот ишланмасини яратиш тажрибалари.<sup>16</sup>

Бу концептуал ишланмага асосан 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион воситалари имкониятларига таянган вертуал амалий машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиш мумкин. Бундай ишланманинг ишлаб чиқилиши ва ундан дарс машғулотларида фойдаланиш таълим сифатини оширишга хизмат қиласди. Шу маънода бу ўринда эътиборингизга профессор Ш.Мардонов томонидан ишлаб чиқилган вертуал амалий машғулот ишланмасини амалдаги 10-синф математика дарслигининг Геометрия кисмидаги биринчи мавзууси асосида намуна сифатида нисбатан ўзгаришлар билан тақдим қилиш мақсадга мувофиқдир:<sup>17</sup>

## МАШГУЛОТ ИШЛАНМАСИ

(Намуна)

Мавзу: “Фазовий геометрик шакллар”

Ушбу амалий машғулотлар билан танишиш учун рўйхатдан ўтишингиз лозим!

Фамилиянигиз:

Исмингиз:

Шарифингиз:

1-саҳифа

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ

“ФОРМУЛА”СИ

Таълим жараёни формуласи деганда мавзууни ўрганишининг калитли тушунчалари, матнлари ва воситаларини тушундамиш. Бу билан мавзууни ўзлаштиришдаги асосий тушунчаларга эга бўламиш.

<sup>16</sup>Қаранг. Мардонов Ш. Педагогика фанидан ўқитишининг электрон-модули дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси. –Тошкент, 2021.

<sup>17</sup>Шу манба. 52-59-бетлар.

**Ж=Т+Б+Б**

Ж

Жараён

Т

Талаблар

Б

Билдириш

Б


Биламан

Кейинги топшириққа  
үтиш

2-саҳифа

Кейс топшириги:

Күйидаги чизмаларни ракамлар билан белгиланған түшунчалар асосида тұлдиримиз ва бу билан фазовий геометрик шакллар түгрисінде түшунчага эга бўламиз.



Чизмада акс эттирилиши лозим бўлган жумлалар: 1. Фазовий. 2. Геометрик. 3.Шакл. 4. Стереометрия. 5. Кўпёқ. 6. Призма. 7. Ён ёклари. 8.Призмалар.

- киритилаётган сўз ёки жумланинг факат ракамини киритинг!

Кейинги топшириққа үтиш

## ИЖОДИЙ ТЕСТ ТОПШИРИГИ

### 1. Гапни тугалланг:

Фазовий геометрик шаклларни ўрганишда куйидаги амалларни бажариш **лозим**

### 2. Нукталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг:

Стереометрия ата **фазовий ўлчам** илгатади.

### 3. Гапни тугалланг: Стереометрия тушунчаси **лотин** тилидан олинган.

### 4. Нукталар ўрнига керакли жумлани топиб қўйинг:

**Кўпёқнинг ёклари** геометрик шаклнинг турлари хисобланади.

### 5. Гапни тугалланг:

Фазовий геометрик шаклларда призма деб икки ёкли тенг кўпбурчаклардан қолган юқори **параллелограммалардан** иборат кўпёқга айтилади.

### 6. Гапни тугалланг (машғулот)

Геометрик фазовий шакллар тўғрисида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари учун ташкил этиладиган махсус дарс бу **машғулоттир**

### 7. Амалий машғулот:

Фазовий геометрик шакллар бўйича махсус машғулотни ташкил этиш билан шакллантирилади. **Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўникмаси**

**Кейинги топширикка ўтиш**

### Фазовий геометрик шакллар бўйича амалий топшириклар

#### 1) Махсус машғулотлар бўйича топшириклар.

##### 1.1. Куйидагилар орасидан махсус машғулотга доир хусусиятларни аниқланг:

- мақсадлилик ва режалилик;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлаши;
- шароитта кўра масофавий таълим шаклидан фойдаланиш;
- махсус машғулот воситасида тегишли мавзуни ўзлаштириш;
- махсус курс

#### 1.2. Куйидаги педагогик қонуниятларни геометрик тушунчанинг таркибий қисмига тегишли деб ҳисоблайсизми?

- 1) лаёкат ва қобилият;
- 2) идрок ва хотира;
- 3) тасаввур ва билим;
- 4) кузатувчанлик ва ҳиссиёт.

Бу педагогик қонуниятлар махсус машғулотнинг **таркибий қисми** хисобланади.

#### 1.3. Фазовий геометрик шакллар бўйича махсус машғулотнинг методлари самарадорлиги куйидаги қайси қонуниятларни ҳисобга олиш билан боғлиқ?

- Махсус машғулот ўтказишида техник жиҳозлар имкониятларидан фойдаланиш;
- машғулотнинг мазмуни ва самарадорлигига эътибор бериш;
- машғулот мақсадининг амалийлиги;
- ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятлари ва ўзлаштириш даражаси;

- таълим муассасасининг компьютер техник воситаси билан таъминланганлиги.

#### 1.4. Фазовий геометрик шаклларга доир топшириқ.

Куйидаги фикрлар билан танишинг ва уларнинг асосийларини топширик вазифаси сифатида бажаринг:

5. Фазовий геометрик шакллар бўйича маҳсус машғулотларни ўтказиш ўқувчиларнинг Геометрия фани бўйича кўнкма, малака ва лаёкатларининг ривожланиб боришида муҳим аҳамиятга эга



Кейинги топширикка ўтиш

1. Геометрияning планиметрия бўлими яssi геометрик шаклларни, стереометрия бўлими эса фазовий геометрик шаклларнинг хоссаларини ўрганади




2. Фазовий геометрик шаклларда кўпёк муҳим ўрин тутади. Кўпёк деб яssi кўпбурчаклар билан чегараланганд жисмга айтилади



3. Кўпёк сирти фазони икки қисмга ажратади ва улардан чексиз қисми кўпёкнинг ташқи соҳаси, чекли қисми эса кўпёкнинг ички соҳаси деб аталади.



4. Геометрик фазовий шаклларда призма муҳим ўрин тутади. Призма деб икки ёқли тенг кўпбурчаклардан, қолган ёқлари эса параллелограммалардан иборат кўпёкга айтилади



Мазкур топширикларнинг жавоблари тўғри белгиланган тақдирда ўқувчиларнинг фазовий геометрик шакллар бўйича билим даражаси чуқурлаштирилади. Бунда ўқитишининг рейтинг тизими асосида балл ўлчови бўйича баҳоланади.

Ушбу электрон-модулли ишланма асосида 10-11 синфлар Геометрия фани мавзулари бўйича машғулотларни масофавий таълим шаклида ташкил этиш кутилган самарани беради. Эътибор берилса, бу ишланмадан ўқувчиларнинг топширикларни мустақил бажариши воситасида мавзуларни ўзлаштириш ва кутилган кўнкмани эгаллашига устувор даражада аҳамият берилган. Шунингдек, методик ишланма ўқувчиларни қизиктириши, уларни ижодийлиликка даъват қилиши ва мустақил шуғулланишлари учун имкониятлар бериши билан маҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли бундай замонавий электрон-модулли методик ишланмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ўринда юкоридаги таҳлилларнинг мисоли сифатида куйидаги мавзунинг методик ишланмасига эътиборингизни тортамиз:

“Шар. Шар сирти. Шар сиртини юзи” мавзусининг технологик модели.

<b>Мавзу</b>	<b>Шар. Шар сирти. Шар сиртининг юзи.</b>
Вакти – 80 минут	Ўкувчилар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Шар.</li> <li>2. Шар сирти.</li> <li>3. Шар сигменти ён сиртининг юзи.</li> <li>4. Шар секторининг юзи.</li> </ol>
Асосий тушунча ва атамалар	Шар, шар сирти, шар сигменти, шар сектори, шар камари.
Ўқув машғулотининг мақсади:	<p><b>Таълимий:</b> Шар ва сфера тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, шар сигменти ён сиртининг юзи, шар секторининг юзини топиш формулаларини келтириб чиқариш.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> Ўқувчилани геометрия фанининг мўъжизалари билан таништириш, геометрияниң фан ва техникадаги ўрнини кўрсатиш орқали меҳнатсеварликка, бой маънавий меросларимизни асраб-авайлашга ўргатиши.</p> <p><b>Ривожлантирувчи:</b> ўқувчиларни мустакил фикрлашга, таянч билимларини ривожлантиришга ўргатиши, ўқувчиларда ўқув адабиётлар, қўшимча кўлланмалардан фойдаланишга ўргатиши, мамлакатимизнинг бекёс салоҳияти, ёшларга бўлган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар борасидаги устувор сиёсатини тушунтириш орқали Ватангга муҳаббат туйгусини ривожлантириш, ўқувчиларни касбий билимларидан фойдаланиб ўрганилаётган мавзуга қизиқиши ўйгоши.</p>
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b>
- Айланиш жисмлари ҳақида билимларни бериш;	- Айланиш жисмлари ҳақида билимларни эгаллайди ва улар ҳақида тасаввур ҳосил киласди;
- Шар ва сфера ҳақида тушунчаларни бериш;	- Шар ва сфера ҳақида тушунчаларни билиб олади;
- Шар сирти юзи ва шар секторининг юзини топиш формулаларини келтириб чиқариш;	- Шар сирти юзи ва шар секторининг юзини топиш формулаларини билиб олади;
- Формулаларни масалалар ечишда кўллашни ўргатиши.	- Формулаларни масалаларни ечишда кўллашни билиб олади.
Ўқитиши услуби ва техникаси	Кириш маъruzasi, Блиц-сўров, аклий хужум, БББ, кластер
Таълим бериш воситалари	Маърузалар матни, кодоскоп, компьютер технологиялари, мавзу бўйича тарқатма материаллар.

<b>Ўқитиши шакллари</b>	Мустакил иш, гурухларда ишлиш.
<b>Ўқитиши шароитлари</b>	Гурухдаги ишларни ташкиллаштириш учун мувофиқлашган техник ускуналар билан жиҳозланган аудитория

“Шар. Шар сирти. Шар сиртини юзи” мавзусининг технологик харитаси

Босқичлар, вакти	Фаолияти	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1-босқич Кириш (21 минут)	<p>1.1.Хона тозалиги текширилади, давомат қилинади. Машғулот ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонлари тушунтирилади.</p> <p>1.2.Геометриядан ўтилган мавзуларни тақорорлаб, Блиц-сўров асосида савол жавоб ўтказилади (1-илова).</p> <p>1.3.Ўтилган мавзу бўйича мустакил иш берилади, тарқатма материаллар тарқатилади (2-илова)</p> <p>1.4.Дарс мавзуси, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалари маълум қилинади, асосий тушунча ва атамаларга изоҳ берилади</p>	1.1.Эшитади
2-босқич Асосий босқич (50 минут)	<p>2.1. Визуал материаллардан фойдаланган ҳолда янги мавзу тушунтирилади (3-илова).</p> <p>2.2. Кластер топшириғи берилади (4-илова)</p> <p>2.3. Ўқувчиларни эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниклаш учун БББ жадвали тарқатилади (5-илова)</p> <p>2.4.Фаоллаштирувчи саволлар берилади (6-илова)</p> <p>2.5.Ўқувчилар саволларига жавоб берилади</p>	<p>2.1. Кўради, эшитади ва асосий жойларини ёзиб олади.</p> <p>2.2. Кластер топшириғини бажарадилар</p> <p>2.3. БББ жадвалини тўлдирадилар</p> <p>2.4.Саволларга жавоб беради</p>

<b>3-босқич Якуний босқич (10 минут)</b>	<b>3.4.</b> Ўкувчилар эътиборини асосий масалаларга қаратиб мавзуга якун ясайди.	<b>3.1.</b> Эшитади, аниклаштиради, хулоса чикаради, таҳлил қиласди.
	<b>3.5.</b> Мустакил топшириклар беради.	<b>3.2.</b> Мустакил топширикларни ёзиб олади.
	<b>3.6.</b> Ўкувчиларни баҳолайди	<b>3.3.</b> Баҳоларни эшитади.

1-илова

**Блиц-сўров**

1. Айланиш жисмлари
2. Шар.
3. Шар сирти.
4. Шар сегменти.

2-илова

**Тарқатма материаллар**


<b>1-билет</b> Цилиндр асосининг радиуси 2 м, баландлиги 3 м. Ўқ кесимининг диоганалини топинг.	<b>2-билет</b> Цилиндрнинг ўқ кесими юзи Q га teng. Цилиндр асосининг юзини топинг.
<b>3-билет</b> Цилиндр асосининг радиуси 3 м, баландлиги 4 м. Ўқ кесимининг диоганалини топинг.	<b>4-билет</b> Цилиндрнинг ўқ кесими юзи 20 га teng. Цилиндр асосининг юзини топинг.
<b>5-билет</b> Цилиндр асосининг радиуси 4 м, баландлиги 5 м. Ўқ кесимининг диоганалини топинг.	<b>6-билет</b> Цилиндрнинг ўқ кесими юзи 10 га teng. Цилиндр асосининг юзини топинг.
<b>7-билет</b> Цилиндр асосининг радиуси 5 м, баландлиги 6 м. Ўқ кесимининг диоганалини топинг.	<b>8-билет</b> Цилиндрнинг ўқ кесими юзи 15 га teng. Цилиндр асосининг юзини топинг.

<b>9-билет</b> Конус асосининг радиуси 15 см, ясовчиси 16 см. Унинг ён ва тўла сиртини ҳисобланг.	<b>10-билет</b> Конус асосининг радиуси 16 см. Ясовчиси 17 см. Унинг ён ва тўла сиртини ҳисобланг.
<b>11-билет</b> Конус асосининг радиуси 17 см, ясовчиси 18 см. Унинг ён ва тўла сиртини ҳисобланг.	<b>12-билет</b> Конус асосининг радиуси 18 см. Ясовчиси 19 см. Унинг ён ва тўла сиртини ҳисобланг.
<b>13-билет</b> Конус асосининг радиуси 14 см, ясовчиси 16 см. Унинг ён ва тўла сиртини ҳисобланг.	<b>14-билет</b> Конус асосининг радиуси 15 см. Ясовчиси 17 см. Унинг ён ва тўла сиртини ҳисобланг.
<b>15-билет</b> Конус асосининг радиуси 17 см, ясовчиси 19 см. Унинг ён ва тўла сиртини ҳисобланг.	<b>16-билет</b> Конус асосининг радиуси 8 см. Ясовчиси 10 см. Унинг ён ва тўла сиртини ҳисобланг.

Бу тарқатма материаллар асосида ўкувчиларнинг мавзу бўйича билими чукукрлаштирилади ва унда ўкувчиларнинг фаоллигига эътибор бериш тавсия этилади.

*Sfera*

*Sfera deb berilgan nuqtadan berilgan masofada joylashgan fazoning hamma nuqtalaridan iborat sirtga aytildi.*



*O - sferaning markazi;*


*R - sferaning radiusi.*

*M=(x,y,z)* nuqtaning koordinatalari;  
*C=(x<sub>o</sub>,y<sub>o</sub>,z<sub>o</sub>)* nuqtaning koordinatalari.



*Markazi C nuqtada bo‘lgan R radiusi sferaning tenglamasi:*

$$(x-x_o)^2+(y-y_o)^2+(z-z_o)^2=R^2$$



*Sferaning yuzi: S=4πR<sup>2</sup>*

*Shar qatlami*

*Sharni parallel ravishda kesuvchi ikki tekislik orasidagi shar qismi shar qatlami deyiladi.*





*Sektor yoyining o‘rtasidan o‘tuvchi uning radiusi atrofida doiraviy sektorning aylanishidan olinadigan jism – shar sektori deyiladi.*

*Shar sektori*

$$V = \frac{2}{3} \pi R^2 h.$$


## Shar segmenti

*Shardan tekislik bilan kesib olinadigan qismi shar segmenti deyiladi.*



*Agar sharning radiusi R ga, segmentining balandligi h ga teng bo'lsa, u holda shar segmentining hajmi quyidagi formula bilan hisoblanadi:*

Shar  
segmenti




$$V = \pi h^2 \left( R - \frac{1}{3} h \right).$$

Shar  
segmenti


$$V = \pi \int_{R-h}^R (R^2 - x^2) dx = \pi \left( R^2 x - \frac{x^3}{3} \right) \Big|_{R-h}^R = \pi h^2 \left( R - \frac{1}{3} h \right).$$

Шар тушунчаси бўйича Кластер тузиш



БББ жадвали

№	Мавзу саволи	Биламан	Билдим	Билмоқчиман
1.	Айланиш жисмлари			
2.	Шар			
3.	Шар сирти			
4.	Сигмент			
5.	Шар камари			
6.	Шар сектори			
7.	Шар сиртининг юзи			
8.	Шар секторининг юзи			



## Сфера ва шар

## Таърифлар ва хоссалар

**Таъриф.** Фазода берилган  $O$  нуқтадан берилган масофада жойлашган геометрик ўрнига *сфера* дейилади. Бунда берилган  $O$  нуқта – сферанинг маркази, берилган  $R$  масофа унинг радиуси дейилади.

**Таъриф:** Фазода берилган  $O$  нуқтадан берилган  $R$  масофадан катта бўлмаган масофада жойлашган нуқталарнинг геометрик ўрни *шар* дейилади. Бунда  $O$  шарнинг маркази,  $R$  шарнинг радиуси дейилади.

Агар  $X$  – сферанинг ихтиёрий нуқтаси бўлса, сфера таърифига кўра,  $OX=R$ . Агар  $Y$ - шарнинг ихтиёрий нуқтаси бўлса, таърифга кўра,  $OY \leq R$  бўлади. Шундай килиб, Агар сфера ва шар умумий  $O$  марказга эга бўлса, ҳар доим  $OY \leq OX$  бўлади. Шу сабабли сфера шарнинг чегарасидан иборат ва у шарнинг сирти деб ҳам аталади. Шарнинг  $OY < R$  шартно қаноатлантирувчи барча  $Y$  нуқталари унинг ички нуқталари дейилади. Сфера маркази бўлган  $O$  нуқтани унинг  $X$  нуқтаси билан туташтирувчи  $OX=R$  кесма сфера ва шарнинг радиуси дейилади. Сферанинг марказидан ўтувчи ва унинг икки нуқтасини бирлаштирувчи кесма унинг диаметри дейилади. Агар  $D$  сфера диаметри бўлса, таърифга кўра  $D=2R$  бўлади. Фазода тўғри бурчакли координаталар системаси ва  $R$  радиусли сфера берилган бўлсин. Сфера марказининг координаталарини  $O(a; b; c)$  каби белгилаймиз. Агар  $X$  – сферанинг ихтиёрий нуқтаси бўлса, таърифга кўра  $OX=R$  бўлади. Хнинг координаталарини  $X(x; y; z)$  деб белгиласак, икки нуқта орасидаги масофа формуласидан

$$\sqrt{(x-a)^2 + (y-b)^2 + (z-c)^2} = R^2 \text{ларни индексга кўйиш керак}$$

ёки

$(x-a)^2 + (y-b)^2 + (z-c)^2 = R^2$  кўринишдаги сферанинг каноник тенгламасини ҳосил қиласиз.

Агар сферанинг маркази координаталари системаси боши билан устмасидан тушса, тенглама  $x^2 + y^2 + z^2 = R^2$  кўринишини олади.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, таърифга мувофиқ маркази  $O$

$(a; b; c)$  нуқтада бўлган шар нуқталарининг координаталари ҳар доим

$$(x-a)^2 + (y-b)^2 + (z-c)^2 \leq R^2 \text{тengsizlikni қанoatlanTiradi.}$$

Энди сфера ва шарнинг хоссаларига тўхтalamiz.

Шар сиртининг икки нуқтасини туташтирувчи ва шарнинг марказидан ўтувчи кесма диаметр дейилади. Исталган диаметрнинг учлари шарнинг диаметриал қарма-карши нуқталари дейилади. Бу жисм доирани унинг диаметри атрофида айлантириш натижасида ҳосил қилинади. Шарнинг марказидан ўтадиган текислик диаметриал текислик дейилади. Шарнинг диаметриал текислик билан кесилган кесими катта доира дейилади. Сферанинг кесими эса катта айланади.

6-илова

## Мустақил ишлаш учун мисоллар

1. Радиуси 10га тенг шар томони 11 га тенг мунтазам учбурчакнинг ҳамма томонларига уринади. Шар марказидан учбурчак тенгсизлигигача масофани топинг.  
Ечиш: Берилган:  $R = 10$ ;  $a=11$ ;  $l=?$ ; Формула  $l = \sqrt{R - a^2}$  Место для формулы.

## Mustaqil ishlash uchun misollar

1. Radius 10 ga teng shur tomoni 11 ga teng tashqari uchburchakning hamma tomonlariiga urinadi. Shur markazidan uchburchak o'sishligiga nisobani toping.
- Yechim: Berilgan: R=10; s=11; l=?
- $$\text{Formulya: } l = \sqrt{R^2 - \frac{s^2}{4}}$$
- $$\text{Hisoblik: } S = \sqrt{10^2 - \frac{11^2}{12}} = \sqrt{100 - \frac{121}{12}} = \sqrt{\frac{1079}{12}} = \frac{\sqrt{1079}}{\sqrt{12}}$$
2. Radius 13 ga teng shur tomoni 14 ga teng tashqari uchburchakning hamma tomonlariiga urinadi. Shur markazidan uchburchak o'sishligiga nisobani toping.
- Yechim: Berilgan: R=13; s=14; l=?
- $$\text{Formulya: } l = \sqrt{R^2 - \frac{s^2}{4}}$$
- $$\text{Hisoblik: } S = \sqrt{\frac{13^2 - 14^2}{12}} = \sqrt{\frac{169 - 196}{12}} = \sqrt{\frac{169 - 49}{3}} = \sqrt{\frac{458}{3}}$$
3. Shur radiusingi o'tasidan yuzaga perpendikulyar tekislik o'iazilgan. O'sil qilingan kesim yuzini katta dona yuziga nisobani toping.
4. Shuning radiusi R. Radiusingi uchidan ming 60° li burchak ostida tekislik o'iazilgan. Kesimning yuzini toping.
5. Shur radiusingi o'tasidan yuzaga perpendikulyar tekislik o'iazilgan. O'sil qilingan kesim yuzini katta dona yuziga nisobani toping.
6. Uchburchakning tomonlari 13 sm, 14 sm, 15 sm. Uchburchak tekisididan uchburchakning hamma tomonlariiga urinadigan shuning mazofanziga bo'lgan masofani toping. Shuning radiusi 5 sm.  
(Javob: 3 sm.)
7. Silindiring balansligi 2 m, usosining radiusi 7 m. Bu silindriga kvadrat o'sgina qilib silindir ichki chizilganki, kvadrating uchlar silindr asosining sylanalarida yotadi. Kvadrating tomonini toping.  
(Javob: 10 m.)
8. Konus asosining radiusi R. O'q kesim to'ri burchakli uchburchakden iborat. O'q kesimning yuzini toping.  
(Javob: R2)
9. Shuning radiusi R. Radiusingi uchidan ming 60° li burchak ostida tekislik o'iazilgan. Kesimning yuzini toping.

Шундай килиб умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион электрон-модулли методи хозирги замон инновацион талаблар ва воситалардан оқилона фойдаланиш билан таълим сифатига кутилган даражада эришиш имконини беради. Биз томонимиздан тақдим этилган замонавий методик ишланмалардан компьютер ахборот-коммуникацион техник воситаси асосида фойдаланилади ва унда таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг тенг фаоллигига асосланилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфларида Геометрия фани бўйича мавзуларнинг ўқитишишини ва ўкувчиларнинг ўзлаштириш

методикасини биз томонимиздан тақдим этилаётган мазкур методика асосида ривожлантириш мақсадга мувофик бўлади. Чунки ўкувчиларнинг геометрик тафаккурини ривожлантириш бугунги куннинг ва технологик ривожлашишнинг тақозосидир. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ахборот-коммуникацион воситалар имкониятларидан фойдаланиш ва янги технологияларга асосланиш кутилган самарани беради.

## Иккинчи боб бўйича хуносалар

1. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг методикасини янгилаш ва ривожлантирища ахборот-коммуникацион воситалар ҳамда уларнинг компьютер каби техник воситасининг имкониятлари замонавийлиги, кизиқарлилиги ва тезкорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.
2. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг биз томонимиздан ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи ишланмаси ишлаб чиқилди ва компьютер таълим дастурига асосланган бу ишланма 10-11 синфларда мазкур фанни мураккаб ижтимоий шароитларда масофавий таълим асосида ўқитиш асослари билан таъминлайди.
3. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг биз томонимиздан навбатдаги замонавий ахборот-коммуникацион электрон-модулли методи ишланмаси шакллантирилди ва бу ишланмадан 10-11 синфларда ушбу фанни ўқитишида фойдаланиш механизmlари яратилди.
4. Ушбу ишлаб чиқилган икки ўқитишининг ахборот-коммуникацион воситаларига таянган методик ишланмаларнинг дидактик таъминоти шакллантирилди ва улардан фойдаланиш механизmlари тақдим этилди.

## **З БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИ**

### **3.1. Тажриба-синов ишларини ўтказиш усуллари**

Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида чукурлаштирилган таълим воситасида ўқитиш мазмунини ривожлантириш жараёни кечмокда. Бу жараёнда Геометрия фанини ўқитишнинг методикасини ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутади. Шу сабабли бизнинг мазкур тадқиқотимизда келинган хulosалар ва фикрларни тажриба-синовдан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ўринда тадқиқотимиз бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг тахлилига эътиборингизни тортамиз.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш самарадаорлиги бўйича ва тадқиқотимизнинг хulosаларини аниклаштириш юзасидан Тошкент вилояти Чирчик шаҳри 8 ва 25-сонли умумий ўрта таълим мактаблари, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 17 ва 70-сонли умумий ўрта таълим мактаблари ва Жizzах вилояти Жizzах шаҳридаги 7 ва 9-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди. Мазкур тажриба-синов ишларини ўтказишида куйидаги усулларга асосланилди:

1. Энг аввало тажриба-синов ишлари дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур куйидагилардан иборат:
  - умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг методологик асосларини тажриба-синовдан ўтказиш;
  - умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторларини ўрганиш;
  - умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш заруриятини аниклаш;
  - умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг ахборот-коммуникацион воситаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган технологияларни белгилаш;
  - умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методини тажриба-синовдан ўтказиш;
  - умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг ахборот-коммуникацион электрон-модулли методини амалиётга жорий килиб кўриш;
  - тажриба-синов ишлари натижаларини тахлил қилиш.

Ушбу дастур асосида Тошкент вилояти Чирчик шаҳри 8 ва 25-сонли умумий ўрта таълим мактаблари, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 17

ва 70-сонли умумий ўрта таълим мактаблари ва Жizzах вилояти Жizzах шаҳридаги 7 ва 9-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида 312 нафар ўкувчилари иштироқида тажриба-синов ишлари ўтказилди.

2. Ушбу дастур асосида педагогик тажриба-синов ишлари сўровномаси тузилди. Бу сўровноманинг мазмуни куйидагилардан иборат:

Сиз умумий ўрта таълим мактабида Геометрия фанини ўқитишнинг методологик асослари деганда нимани тушунасиз?

Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторларини биласизми?

Геометрия фанини ўзлаштиришга қизиқасизми?

Сиз ўқиётган синфда Геометрия фанини ўқитиш жиҳозлари мавжудми?

Ахборот-коммуникацион восита деганда нимани тушунасиз?

Сиз компьютер билан эркин ишлай оласизми?

Сизга Геометрия фанини масофавий шаклда ўқитиш ёқадими?

Ушбу фанни ўқитишда электрон-модулли методдан хабарингиз борми?

Сизнингча, 10-11 синфлар Геометрия фани мавзулари мураккаб эмасми?

Мазкур саволнома асосида дастлаб таъкидловчи тажриба-синов иштироқчиларининг Геометрия фани бўйича тушунчалари, фикрлари ва уларнинг муносабатлари ўрганилди.

3. Педагогик тажриба-синов ишлари икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда юқорида таъкидланган саволнома асосида сўров ўтказилиб, иштироқчиларнинг фикрлари ўрганилди. Бу босқич 2018-2019 ўкув ўилида ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичи 2019-2020 ўкув ўилларида ўтказилди. Унда мураккаблаштирилган қуйидаги саволномага таянилди:

### **САВОЛНОМА**

Хурматли ўқувчи! Ушбу саволларга жавоб бериш билан Сиз Геометрия фанини ўқитиш ишларини такомиллаштиришга ўз хиссангизни кўшган хисобланасиз.

Жавобларингиз учун раҳмат!

1. Сиз Геометрия фанига қизиқасизми?

A. Ҳа

Б. Йўқ.

В. Энди ўйлаб кўраман.

2. Геометрия фани қизиқарли фан ҳисобланадими?

А. Фикрингизни ёзинг.....

3. Сизнинг синфингизни Геометрия фани машғулотлари қизиқарли ўтиладими?

А. Ҳа

Б. Йўқ.

В. Энди ўйлаб кўраман.

4. Сиз Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторларини эшитганимисиз?

А. Фикрингизни ёзинг.....

5. Куйидаги хужжатлар Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари ҳисобланадими?

А. Ўқув дастури

Б. Ўқув режаси

В. Дарслеклар.

Г. Барчаси меъёрий факторлар ҳисобланади.

6. Геометрия фани бўйича мавзуларни тушунишда қийналасизми?

А. А. Ҳа

Б. Йўқ.

В. Энди ўйлаб кўраман.

7. Геометрия фани бўйича репетиторга қатнайсизми?

А. Фикрингизни ёзинг.....

8. Геометрия фани бўйича келгусида ўқиши давом эттиришни

истайсизми?

А. Фикрингизни ёзинг.....

9. Геометрия фанини ўқитиш методикаси ҳакида эшитганимисиз?

А. Фикрингизни ёзинг.....

10. Геометрия фанини компьютер техникаси воситасида ўқитилишини истайсизми?

А. Фикрингизни ёзинг.....

11. Геометрия фанига таъриф беринг:

А. Фикрингизни ёзинг.....

12. Устозингиз Геометрия фанига сизни қизиктира оладими?

А. Фикрингизни ёзинг.....

Мазкур саволнома асосида тадқиқотимизда келинган илмий-назарий хуносаларимиз тажриба-синов ишларидан ўтказилди. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллиги, Геометрия фанига қизиқиши ва уларнинг мазкур фан мавзуларини ўзлаштириши аниқланди. Натижада 10-11 синф ўқувчиларнинг билимдонлиги, аввалги синвларда ушбу фан бўйича ўзлаштирган билимларидан фойдалана олиши ва амалдаги дарслекларнинг такомиллаштирилиши каби масалалар аниқланди.

4. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг омиллари педагогик тажриба-синов ишлари натижасида аниқланди. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган мазкур фанни ўқитишнинг ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи ва ахборот-коммуникацион электрон-модулли методлари тажриба-синовдан

ўтказилди. Ишлаб чиқилган мазкур методлар Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда кўл келиши аникланди. Шу сабабли амалдаги дарслерни мазкур методлар билан бойитиш тақлифи тақдим этилди.

Педагогик тажриба-синов ишларида танлоанган мактабларнинг Геометрия фани ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этди. Улар билан биргалиқда амалдаги дарслерни ўкув материаллари назарий-методик жиҳатдан таҳлил этилди. Натижада дарслерни мавзулари бўйича кўшимча ўкув материаллари ва “Ўқитувчи китоби”га эҳтиёж мавжудлиги аникланди. Чунки Ўқитувчи китобида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари учун Геометрия фанидан кўшимча адабиётлар, ўкув материаллари, топшириклар ва масалалар киритилади. Бу ўкув материаллари билан ишлаш учун ўқитувчиларга услубий кўрсатмалар тақдим этилади. Шу жиҳатдан Ўқитувчи китобига ахборот-коммуникацион воситаларга асосан ишлаб чиқилган технологияларни кирнитиш мазкур фанини ўқитиш методикасини янгилаштириш масаласи бўйича кўйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 10-11 синфлар Геометрия фани дарслиги учун кўшимча ўкув материаллари;
- “Ўқитувчи китоби”;
- ҳар бир мавзу бўйича ахборот-коммуникацион ишланмалар;
- ўқувчилар учун қизиқарли ва технологияларга асосланган геометрик топшириклар мажмуи;
- тайёрланадиган янги ўкув матреиалларини компьютерли дастури асосида тайёрлаш.

Бундай ёндашув умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини мақсадли такомиллаштириш имконини беради.

5. Педагогик тажриба-синов ишларида тадқиқотимизда ишлаб чиқилган ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи ва ахборот-

коммуникацион электрон-модулли методлари ва ахборот-коммуникацион воситаларга асосан ишлаб чиқилган технологиялар амалиёт учун тақдим этилди. Тажриба-синов ишлари ўтказилган умумий ўрта таълим мактабларида мазкур ишланмаларнинг электрон нусҳаси мавжуд. Бу ишланмалар ўқитувчилар ва ўқувчилар учун қуай имкониятларни бериши аникланди.

Педагогик тажриба-синов ишларинин ўтказишида ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш методларидан фойдаланилди. Сўровнома асосида олинган натижалар математик усуслар воситасида таҳлил этилди. Натижада педагогик тажриба-синов ишларимизнинг мақсадли ўтказилишига эришилди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини янгилаш ва такомиллаштириш масаласи бўйича кўйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

фан бўйича иқтидорли ўқувчиларнинг Республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган олимпиадаларда иштирокини кучайтириш;  
иқтидорли ўқувчилар билан индивидуал ишлаш;  
келгусида иқтидорли ўқувчиларни мазкур фан бўйича мутахассис бўлишига йўналтириш;

иқтидорли ўқувчиларни маънавий рағбатлантириб бориши.  
Бундай ёндашув умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикаси асосларини кучайтиради. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, Геометрия фанини чукурлаштирилган тарзда ўқитиш билан ўқувчиларнинг касб танлашида ва ушбу фан асослари бўйича компетенцияларга эга бўлишида ўқитувчиларнинг фаоллигига таянилади. Шу сабабли мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларининг математика фани ўқитувчилари кўшимча машгулотлар, ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган дарсларни ташкил этиш билан бу фанини ўқитиш самарадорлигига эришиши мумкин. Бизнинг кузатларимиз натижада хуносага келишимизча, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фанлар орасида Геометрия фанини ўқитиш сусайган. Бунда мазкур фаннинг

үтказилди. Ишлаб чиқылған мазкур методлар Геометрия фанини үқитиши методикасини такомиллаштиришда күл келиши аникланди. Шу сабабли амалдаги дарсликларни мазкур методлар билан бойитиш тақлифи тақдим этилди.

Педагогик тажриба-синов ишларида танлоанган мактабларнинг Геометрия фани үқитувчилари ҳам фаол иштирок этди. Улар билан биргаликда амалдаги дарсликларнинг ўкув материаллари назарий-методик жиҳатдан таҳлил этилди. Натижада дарсликнинг мавзулари бўйича қўшимча ўкув материаллари ва “Ўқитувчи китоби”га эҳтиёж мавжудлиги аникланди. Чунки Ўқитувчи китобида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўкувчилари учун Геометрия фанидан қўшимча адабиётлар, ўкув материаллари, топшириқлар ва масалалар киритилади. Бу ўкув материаллари билан ишлаш учун ўқитувчиларга услубий кўрсатмалар тақдим этилади. Шу жиҳатдан Ўқитувчи китобига ахборот-коммуникацион воситаларга асосан ишлаб чиқылған технологияларни кирнитиш мазкур фанни үқитиши методикасини янгиловчи асослардан биридир. Шу сабабли бизнинг фикримизча, илмий тадқиқотлар хulosаларидан фойдаланган ҳолда куйидагиларни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- 10-11 синвлар Геометрия фани дарслиги учун қўшимча ўкув материаллари;
- “Ўқитувчи китоби”;
- ҳар бир мавзу бўйича ахборот-коммуникацион ишланмалар;
- ўкувчилар учун кизикарли ва технологияларга асосланган геометрик топшириқлар мажмуи;
- тайёрланадиган янги ўкув материалларини компьютерли дастури асосида тайёрлаш.

Бундай ёндашув умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини үқитиши методикасini мақсадли такомиллаштириш имконини беради.

5. Педагогик тажриба-синов ишларида тадқиқотимизда ишлаб чиқылған ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи ва ахборот-

коммуникацион электрон-модулли методлари ва ахборот-коммуникацион воситаларга асосан ишлаб чиқылған технологиялар амалиёт учун тақдим этилди. Тажриба-синов ишлари ўтказилган умумий ўрта таълим мактабларида мазкур ишланмаларнинг электрон нусҳаси мавжуд. Бу ишланмалар ўқитувчилар ва ўкувчилар учун кулаг имкониятларни бериши аникланди.

Педагогик тажриба-синов ишларинин ўтказишида ўрганиш, таҳлил қилиш ва холоса чиқариш методларидан фойдаланилди. Сўровнома асосида олинган натижалар математик усуслар воситасида таҳлил этилди. Натижада педагогик тажриба-синов ишларимизнинг мақсадли ўтказилишига эришилди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфларида Геометрия фанини үқитиши методикасini янгилаш ва такомиллаштириш масаласи бўйича қўйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

фан бўйича иктидорли ўкувчиларнинг Республика ва ҳалқаро миқёсда ўтказиладиган олимпиадаларда иштирокини кучайтириш;  
иктидорли ўкувчилар билан индивидуал ишлаш;  
келгусида иктидорли ўкувчиларни мазкур фан бўйича мутахассис бўлишга йўналтириш;  
иктидорли ўкувчиларни маънавий рагбатлантириб бориш.

Бундай ёндашув умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини үқитиши методикаси асосларини кучайтиради. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, Геометрия фанини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиши билан ўкувчиларнинг қасб танлашида ва ушбу фан асослари бўйича компетенцияларга эга бўлишида ўқитувчиларнинг фаоллигига таянилади. Шу сабабли мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларининг математика фани үқитувчилари қўшимча машғулотлар, ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган дарсларни ташкил этиш билан бу фанни ўқитиши самарадорлигига эришиши мумкин. Бизнинг кузатларимиз натижада хulosага келишимизча, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фанлар орасида Геометрия фанини ўқитиши сусайган. Бунда мазкур фаннинг

мавзулари тақорорланиши кузатилади. Айниқса, 10-11-синфларда ўтиладиган мавзулар 6-7-синфларда ўтилиши мазкур фаннинг юқори синфларда ўрин тутиши даражасига салбий таъсир кўрсатган. Шу сабабли юқори синфларда қурилиш, дизайн, муҳандислик каби соҳалар бўйича геометрик мавзуларнинг кўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун келгусида амалга киритиладиган Миллий таълим дастурига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тажриба-синов ишлари учун ишлаб чиқилган сўровнома тақомиллаштирилиб навбатдаги иккинчи боскичи ўтказилди. Бунинг натижасида ўқувчилардан аниқ маълумот олишга эришилди.

Шундай килиб мазкур усуслар воситасида амалга оширилган педагогик тажриба-синов ишлари кутилган самарани берди.

### 3.2. Тажриба-синов ишларининг натижалари

Тадқиқотимиз тажриба-синов ишлари ўтказилган Тошкент вилояти Чирчик шаҳри 8 ва 25-сонли умумий ўрта таълим мактаблари, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 17 ва 70-сонли умумий ўрта таълим мактаблари ва Жizzах вилояти Жizzах шаҳридаги 7 ва 9-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларининг 312 нафар ўқувчилари иштирок этди. Ўқувчилар икки грухга, яъни таъкидловчи ва назорат грухларига бўлинди. Бунинг натижасида саволномамизга жавоб олишнинг ўзига хос имкониятига эга бўлинди. Олинган натижалар саволномага кўра қуйидагича:

1. Сиз геометрия фанига қизиқасизми? Мазкур саволга респондент ўқувчиларимизнинг 53%и “Ҳа” деб, 23 %и “Ўйлаб кўраман” деб ва қолган 24 %и “Йўқ” деб жавоб берган. Бунда ижобий жавоб бўлганлиги сабабли биз томонимиздан қониқиши билан қабул қилинди.

2. Геометрия фани қизиқарли фан хисобланадими? Бу савол очик савол бўлиб, ўқувчиларнинг 81 %и ижобий жавоб берган, қолган 19 %и саволни очик қолдирган.

3. Сизнинг синфингизда Геометрия фани машғулотлари қизиқарли ўтиладими? Мазкур саволга респондент ўқувчиларнинг 64 %и “Ҳа” деб жавоб берган ва қолган 36 %и иккиланиб жавоб берган.

4. Сиз геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторларини эшитганимисиз? Бу савол ҳам очик савол бўлиб, таъкидловчи грухдаги ўқувчиларнинг 57 %и “Ҳа” деб ва назорат грухидаги ўқувчиларнинг 59 %и ижобий жавоб берган.

5. Куйидаги хужжатлар Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари хисобланадими? Респондент ўқувчиларимизнинг 82,3 %и “Ўкув дастури, ўкув режаси ва дарсликлар” Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий фактори сифатида белгилаган ҳамда 17,7 %и иккиланиб жавоб берган.

6. Геометрия фани бўйича мавзуларни тушунишда кийналасизми? Мазкур саволга респондент ўқувчиларнинг 86,1 %и “Йўқ” деб жавоб берган ва қолган 17,7 %и “Ҳа” деб жавоб берган.

7. Геометрия фани бўйича репетиторга қатнайсизми? Бу савол ҳам очик савол эди. Респондент ўқувчиларнинг 54,4 %и “Йўқ” деб жавоб берган ва қолган респондент ўқувчилар Математика фани ўқитувчиси билан ҳамкорлик қилишини билдирган. Бу ҳол умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини чуқурлаштириб ўқитишни тақозо этади.

8. Геометрия фани бўйича келгусида ўқиши давом эттиришни истайсизми? Бу саволга таъкидловчи грухнинг 52 %и “Йўқ” деб жавоб берган ва назорат грухининг 53,1 %и Математик туркумдаги фанларга қизиқишини билдирган.

9. Геометрия фанини ўқитиш методикаси ҳақида эшитганимисиз? Бу саволга респондент ўқувчиларнинг 64,1 %и “Йўқ” деб жавоб берган.

10. Геометрия фанини компьютер техникиси воситасида ўқитилишини истайсизми? Мазкур саволга респондент ўқувчиларнинг 94,1 %и “Ҳа” деб жавоб берган.

11. Геометрия фанига таъриф беринг? Бу очик саволга респондент ўкувчиларнинг 88,2 %и тўғри ва аниқ таъриф берган.

12. Устозингиз Геометрия фанига сизни кизиқтира оладими? Бу саволга респондент ўкувчиларнинг 83,4 %и “Ҳа” деб жавоб берган.

Эътибор берилса, мазкур жавобларнинг эллиқдан юқори фоизи ижобий жавоблар хисобланади. Шу сабабли тажриба-синов ишимизнинг куйидаги умумлашмасига эътибор беринг:

1-жадвал

№	Саволлар	Жавоблар (фоиз хисобида)	
		Таъкидловчи гурӯҳ	Назорат гурӯҳи
1.	Сиз геометрия фанига кизиқасизми?	51 %	53 %
2.	Геометрия фани кизиқарли фан хисобланадими?	78 %	81 %
3.	Сизнинг синфингизда Геометрия фани машғулотлари кизиқарли ўтиладими?	59 %	64 %
4.	Сиз геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторларини эшитганимисиз?	53 %	57 %
5.	Куйидаги хужжатлар Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари хисобланадими?	71,1 %	82,3 %
6.	Геометрия фани бўйича мавзуларни тушунишда қийналасизми?	70,1 %	86,1 %
7.	Геометрия фани бўйича репетиторга қатнайсизми?	50,2 %	54,4 %

8.	Геометрия фани бўйича келгусида ўқишини давом эттиришни истайсизми?	52 %	53,1 %
9.	Геометрия фанини ўқитиш методикаси хақида эшитганимисиз?	56 %	64,1 %
10.	Геометрия фанини компьютер техникаси воситасида ўқитилишини истайсизми?	72,3 %	94,1 %
11.	Геометрия фанига таъриф беринг?	74,4 %	88,2 %
12.	Устозингиз Геометрия фанига сизни кизиқтира оладими?	71,1 %	83,4 %

Бу ўринда тажриба-синов ишларининг Стюдент Фишер услугига асосан таҳлилига эътиборингизни тортамиз.

## УМУМИЙ ҲУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида Математика туркумига кирувчи фанларни чукурлаштирган ҳолда ўқитиш ва унинг воситасида ўқувчиларнинг мазкур фанлар бўйича билим, кўникма ҳамда малакаларини талаб дарајасида шакллантириш муҳим вазифалардан хисобланади. Шу жихатдан 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитишнинг методикасини такомиллаштириб бориш долзарб бўлиб турибди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишнинг ҳозирги методларини қуидагиларга бўлиш мумкин:

- дарс методи;
- тушунтириш методи;
- йўналтириш методи;
- баҳолаш методи.

Бу анъанавий методлар умумий ўрта таълим мактабларимизда Геометрия фанини ўқитиш бўйича миллий таълими тажрибализнинг таркиб топишига асос бўлган. Айни пайтда, замонавий тараққиёт жараёни умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини янгилаб ва ривожлантириб боришини тақозо этади. Чунки бугунги кунда ўқувчиларнинг қуидаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш тақозо этилмоқда:

ўқувчиларнинг математик саводхонлигини чукурлаштириш ва уларнинг билимдонлигини ошириш;

ўқувчиларда Геометрия фани бўйича мустақил фикрлаш, ижодий ёндашиш ва мустақил харакат кўникмаларини шакллантириш;

STEAM каби ҳалқаро таълим дастурларининг мезонлари ва талаблари асосида ўқувчиларнинг коммуникативлик, ҳамкорлик ҳамда изланувчанлик малакаларини таркиб топтириш;

иктидорли ўқувчиларни Геометрия фани бўйича изланишлар, ихтиrolар ва илмий ишланмалар яратишга йўналтириш;

ўқувчиларнинг Геометрия фани бўйича ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан амалий фойдалана олишга ўргатиш.

Буларнинг барчаси умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида Геометрия фанини янги ва замонавий методикаларга асосан ўқитишни ташкил этишни тақозо этади. Шу сабабли мазкур муаммони илмий, назарий ва методологик жихатдан ҳал қилиб олиш долзарб бўлиб турибди.

Кўйилаётган масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институтида кейинги беш йил давомида тўпланган илмий-методик тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу тажрибага кўра, Математика фани мазмуни ва уни ўқитиш методикаси ҳалқаро таълим талабларига мослаштирилди. Шу жихатдан умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида ўқитиладиган Геометрия фани мазмуни ва методикасини STEAM ҳалқаро таълим дастури коидалари, талаблари ва мезонлари асосида такомиллаштириш бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки мазкур ҳалқаро таълим қуидагиларга асосланади:

Математик фанларни интеграцион шаклда ўқитиш;

Геометрия каби фанлар асос бўлувчи мухандислик сингари замонавий касбларга ўқувчиларни мактаб давридаёқ йўналтириш;

ўқувчиларни замонавий техник воситалар ва технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш;

ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини амалиётга йўналтириш.

Эътибор берилса, мазкур ҳалқаро таълим дастури асосий диккатни амалиётга қаратади. Шу сабабли бундай дастур асосида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфларида Геометрия фанини ўқитиш мазмуни ва методикасини янгилаб бориш имконини беради.

Биз мазкур тадқиқотимизда ахборот-коммуникацион технологиялари воситасида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-

синфларида Геометрия фанини ўқитиши методикаси масаласида куйидаги умумий хуосаларга келдик:

1. Мамлакатимиз инновацион тараккиёти илм-фан ютукларига таянади.

Шу жиҳатдан ижтимоий ва иқтисодий тармокларда мухим касбий фаолиятни ташкил этишда Геометрия фани ҳам мухим ўрин тутади. Бугунги кунда мазкур фанни умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида ўқитиши методикасини янгилаш ва такомиллаштириш долзарб бўлиб турибди.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг меъёрий факторларини давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, ўкув режа, дастур ва дарслклари, фанни ўқитишининг анъанавий ва ноанъанавий методлари ҳамда технологиялари, фанни ўқитиши методикасини ривожлантириш бўйича миллий ва халқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибалари ташкил этади.

3. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини такомиллаштириш зарурияти фанни ўқитишининг осон, қулай ва самарали методларини танлаш, фанни ўқитиши методикасини ахборот-коммуникацион воситалар имкониятлари асосида такомиллаштириш, фан бўйича иктидорли ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш селекциясини амалга ошириш ҳамда бундай тадбирлар воситасида фан бўйича иктидорли ва маҳоратли мутахассис-ўқитувчилар тайёрлаш билан белгиланади.

Буларнинг барчаси умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишининг методологик асосларини ташкил этади ва фанни ўқитиши методикасини янгилаш заруриятини белгилайди.

4. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг методикасини янгилаш ва ривожлантириша ахборот-коммуникацион воситалар ҳамда уларнинг компьютер каби техник воситасининг имкониятлари замонавийлиги, қизиқарлилиги ва тезкорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

5. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг биз томонимиздан ахборот-коммуникацион масофавий таълим методи

ишланмаси ишлаб чиқилди ва компьютер таълим дастурига асосланган бу ишланма 10-11 синфларда мазкур фанни мураккаб ижтимоий шароитларда масофавий таълим асосида ўқитиши асослари билан таъминлайди.

6. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг биз томонимиздан навбатдаги замонавий ахборот-коммуникацион электрон-модулли методи ишланмаси шакллантирилди ва бу ишланмадан 10-11 синфларда ушбу фанни ўқитишида фойдаланиш механизмлари яратилди.

Ушбу ишлаб чиқилган икки ўқитишининг ахборот-коммуникацион воситаларига таянган методик ишланмаларнинг дидактик таъминоти шакллантирилди ва улардан фойдаланиш механизмлари тақдим этилди.

Мазкур тадқиқотимизнинг натижасида ва хуосамизга асосан куйидаги тавсияларни тақдим этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини чукурлаштириб ўқитиши ва маҳсус курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Биз томонимиздан шакллантирилиб тадқиқотимизда тақдим этилган Геометрия фанини ўқитишининг ахборот-коммуникацион масофавий таълим ва ахборот-коммуникацион электрон-модулли методларидан умумий ўрта таълимнинг 10-11-синфларида фойдаланиш кенг имкониятларни беради.

3. Бугунги кун талаблари асосида мамлакатимизнинг ҳар бир туманида ва шаҳарида Геометрия фани чукурлаштириб ўтиладиган мактаблар ташкил этиш мазкур фанни ўқитишининг сифатини такомиллаштиришга хизмат киласи.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Наримбетова, З. А. The Study Of The Elements Of Fractal Geometry As A Means Of Integrating Knowledge In Mathematics And Computer Science In The Educational Process Of A Secondary School Students. International Journal Of Scientific & Technology Research Volume 9, Issue 04, April 2020.
2. Наримбетова, З. А. Обучение приемам самоценивания на уроках математики. // "Экономика и социум", Россия, электронный журнал, 2021. 5(84), 1008-1025.
3. Наримбетова, З. А. Математикани ўқитишида илғор педагогик технологиялар ва ўқитишинг замонавий усулларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Samdu Ta'l'm sifatini oshirish va zamonaviy interfa'ol metodlardan foydalanishning innovatsion texnologiyalari va uslublari, 2020. 3, 143-146.
4. Наримбетова, З. А. Математикадан сыйыптан тыс оқытуды ұымдастырудагы мүгәлімнің рөлі. Алматы, 2020й. 117-1206.
5. Narimbetova, Z. A. Matematika fanida ta'l'm texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilar tafakkurining rivojlantiruvchi omil. Academic research in educational sciences, 2020. 1(3), 1253-1261.
6. Наримбетова З. А. Интерактивные методы обучения на уроках математики. "Наука, образование и культура: глобальные тенденции и региональные аспекты". Чимкент. I том.2020г. 237-241с.
7. Narimbetova, Z. A. (2021). Matematika darslarida o'quvchilar ijodkorligini rivojlantirishda axborot-kommunikatsion texnologiyalarning o'tni. XALQ TA'LIMI, 2, 131-134.
8. Наримбетова З. А. Мактабда математика дарсларини ўқитишида ментал арифметиканинг аҳамияти "Физика математика ва информатика" журнали. 2/2020. Тошкент.100-103 б.
9. Наримбетова З. А. Роль и функции геометрических задач в изучение свойств геометрических фигур . International Electronic Scientific and Practical Journal «Way Science» Dnipro (Ukraine). – 2020.
10. Наримбетова З. А. Axborot kommunikatsion texnologiyalari yordamida geometriya fanini o'qitish metodikasi (10-11-sinflar misolida). "Science and Education"(ISSN 2181-0842 VOLUME 1, ISSUE 7 ОCTOBER 2020) илмий электрон журналининг 7-сони 244-254 б.
11. Narimbetova, Z. A. Matematika fanida ta'l'm texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilar tafakkurining rivojlantiruvchi omili. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 1253-1261.
12. Наримбетова З. А. Умумий ўрта мактабларида илдизли ифодаларни хисоблашда педагогиканинг тажриба усулини тадбик этиш. "Физика математика ва информатика" илмий услубий журналининг 4-сони, 2020 йил, 22-29 б. Тошкент ш.
13. Наримбетова З. А. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ. ЭЛЕКТРОННОЕ
- НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ПЕРИОДИЧЕСКОЕ ИЗДАНИЕ "Экономика и социум" №3(82) 791-798 б. Россия 2021 .
14. Narimbetova, Z. A. ICT competence of teachers in the works of modern domestic and foreign researchers. Philosophical Readings XIII.4 pp. 1900-1904. 2021 .
15. Narimbetova, Z. A. Nazorat-Matematik masalalarning didaktikmaqsadlaridan biri. OLIY TA'LIMNI RIVOJLANISHDA TA'LIM OLISHNING KLASTER METODINING AKTIV, INTERFAOL VA MASAFIY SHAKLLARI. ChDPI 2021.660-662 б.
16. Narimbetova, Z. A. MAKTABDA IQTIDORLI BOLALAR BILAN ISHLASH XUSUSIYATLARI. "Экономика и социум" №4(83) ч.2. Россия. 2021 .916-919 б
17. Narimbetova, Z. A. NAZORAT- MATEMATIK MASALALARNING DIDAKTIK MAQSADLARIDAN BIRI. "Экономика и социум" №5(84) ч.2 . Россия .2021 .866-871 б.
18. Narimbetova, Z. A. ОБУЧЕНИЕ ПРИЕМАМ САМОЦЕНИВАНИЯ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ. "Экономика и социум" №5(84) ч.2. Россия. 2021 [www.iupr.ru1008-1025](http://www.iupr.ru1008-1025) б.
19. Narimbetova, Z. A. BOSHLANG'ICH MAKTAB MATEMATIKASINI O'QITISHDA YANGITEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH. "Экономика и социум" №4(83) ч.2. Россия. 2021 [www.iupr.ru](http://www.iupr.ru) 912-915.
20. Narimbetova, Z. A. ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ. "Экономика и социум" 24№8(87). Россия. 2021
21. Narimbetova, Z. A. FEATURES OF WORKING WITH SMART CHILDREN IN THE SCHOOL. Экономика и социум. Россия. . 2021,920-923б.
22. Наримбетова З. А. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг меъёрий факторлари. МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 2021 , 1/6/11.61-165 б.
23. Наримбетова З. А. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АХБОРОТКОММУНИКАЦИОН МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИ. COLLECTION OF SCIENTIFIC ARTICLES.2021/10/29.149-151 б.
24. Наримбетова З. А. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ УЗВИЙЛИГИ. МУФАЛЛИМ ҲАМ УЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ, 58-61бет.
25. Наримбетова З. А. ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИ. "Экономика и социум" №12(91) 2021, 1125-1134стр.
26. Narimbetova, Z. A. O'quvchilarda ma'lumotlarni tahlil qilish ko'nimasini shakllantirish. Ўз РОЙМТВ Навоий давлат педагогика институти
27. Наримбетова З. А. ОБ ИНТЕРАКТИВНОМ МЕТОДЕ ОБУЧЕНИИ КАК ОДНОМ ИЗИНОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ В СОВРЕМЕННОМ

ОБРАЗОВАНИИ. ILM-FAN VA TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH: IMKONIYAT VA TENDENSIYALARI-son respublika masofaviy konferensiyasi. TVCHDPI 2021.25-29 b.

28. Наримбетова З. А. Математикани ўқитишида илгор педагогик технологиялар ва ўқитишининг замонавий усулларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. СамДУ Ta'lif sifatini oshirish va zamonaviy interfa'ol metodlardan foydalanishning innovatsion texnologiyalari va uslublari. 3-Q.143-146 б

30. Наримбетова З. А. ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИ. COLLECTION OF SCIENTIFIC ARTICLES.2021/10/29.149-151 б.

- 3446 -



ЗАКИЯ НАРИМБЕТОВА

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВОСИТАСИДА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ (10-11 СИНФЛАР МИСОЛИДА)

Монография

Мухаррир: Х. Тахиров

Техник мухаррир: Т. Рахматуллаев

Мусаххих: Н. Исматова

Саҳифаловчи: А. Мухаммад

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.

Босишига руҳсат этилди 26.01.2022 й.

Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. "Times New Roman"

гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоги. 7,0.

Адади 100 дона. Буюртма № 18.

«MALIK PRINT CO» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Амир Темур кӯчаси.

ҚАИДЛАР УЧУН



ISBN 978-9943-7907-5-9

A standard one-dimensional barcode is positioned vertically within a white rectangular box. The barcode represents the ISBN number 9789943790759.

9 789943 790759